



OGOHLIK

Бизнинг институтимиз ҳудудида ҳам чекиш тақиқланган. Лекин шунга қарамасдан институтимиз дарвозаси олдида кўпчилик талабаларимизнинг сигарета чекиб туришганига кўзимиз тушиб туриши айни ҳақиқатдир.

6

NIGOH

...sug'urta deganda faqat dahshatli hodisalar emas, balki bular asosida vujudga kelgan favqulotda zararlar, kamchiliklarni bartaraf etish borasidagi munosabatlar, ya'ni...

7



Чтобы при его чтении студент получил необходимую информацию о том, что такое менеджмент?

10

BILASIZMI?

13

Қон инсон оғирлигининг 7 фоизини ташкил этади. Агар киши 70 килограмм оғирликка эга бўлса, унинг организмда 5 литрға яқин қон бўлади.

Farzandlari kuchli yurt qudratli bo'lur!



MOLIYACHI

Tashkent moliya instituti oylik ma'rifiy-ig'isodiy gazetasi • 2009-yil, fevral

Axborot

ИЛМИЙ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИДА

Институт илмий Кенгашининг жорий йил 31 январда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиши баҳс-мунозараларга, назарий ва амалий таклифларга бой, бир сўз билан айтганда ишчан руҳда ўтди. Йиғилишда институт ректори, профессор А.Ваҳобов, проректорлар, факультетлар деканлари, кафедралар мудирлари ва бўлим бошлиқлари иштирок этишди.


Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъати йиғилиши қарорларининг институтдаги ижросини таъминлаш, институтда 2008-2009 ўқув йили-



да маънавий-маърифий ишларнинг тажриба-синов дарсларини ташкил қилиш, институтнинг 2008 йилги илмий ишлар якуни ва 2009 йил режалари ҳақида, институт битирувчиларини ишга тақсимлашнинг бориши ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди ва тегишли қарорларга келинди. Шунингдек, Тошкент молия институти ҳузуридаги молия-банк ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг 2008 йилги фаолияти якунлари ва 2009 йил режалари, кадрлар тайёрловчи кафедраларда битирув малакавий ишлари мавзулари тақсимоти, институтда ўқитиладиган фанларни адабиётлар билан таъминланганлиги, институтнинг Умумиқтисод ва молия инжиниринги факультетларининг таълим йўналишларида «Ижтимоий-гуманитар фанлар блоки» ва «Чет тиллари» фанларидан Якуний Давлат Аттестацияси (ЯДА) натижалари, «Иқтисодиёт назарияси» фанидан ўқув режасида 1-семестрда бажариладиган курс ишини 2-семестрга кўчириш ҳақида, институт кафедралари профессор-ўқитувчилари дарс машғулотлари жадвалининг электрон карточкалари шакллантирилганлиги ва улардан фойдаланишни таъминлаш каби масалалар тўғрисида сўз борди ҳамда тегишли вазифалар белгилаб олинди. Айниқса, йиғилиш давомида тингланган Янги Зеландия CSM коллежида ўқиб келган талабаларнинг ҳисоботи кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Гўзал ХОНБОБОВА, илмий котиба

Muharrir minbari



Ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ўзининг пурмаъно ва беҳисоб асарлари билан ном қозонган Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг мероси ҳақида юзлаб илмий тадқиқотлар, минглаб мақолалар яратилган. Буюк аллома, нозиктаб шоир, синчков тилшунос, таниқли тарихчи, ислом динининг пешвоси, санъат ва адабиёт аҳлининг раҳнамоси, давлат арбоби ҳисобланган Алишер Навоийнинг серқирра ижоди ва фаолиятини қанчалик ўрганмайлик, унинг янги-янги жиҳатлари намоён бўлаверади. Зеро, Юртбошимиз И. Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида улуг алломанинг фаолиятига тўхталиб, Навоийга ниҳоятда гўзал ва аниқ таъриф берганлар: "Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير".

Дарҳақиқат, Навоий шоирлар султони ва серқирра ижод соҳибидир. Зеро, унинг асарларида жамиятнинг барча соҳаларига тегишли ҳолатлар, ҳусусиятлар акс этган. Шоир ҳаётининг сўнгида - 1501 йилда ёзилган "Маҳбуб-ул-қулуб" ("Қалблар севгиси") асари буюк алломанинг дунёқараши, тафаккури, билими ниҳоятда кенглигидан, нуктадонлик, ҳозир-жавоблик, синчковлик каби фазилатларга эга бўлганлигидан дарак беради. "Маҳбуб-ул-қулуб"нинг биринчи қисмида ўша даврдаги касб эгалари таъсирланган бўлса, иккинчи қисмида эса яхши ва ёмон хислатларга таъриф берилган, учинчи қисмида пурмаъно масал ва ҳикматлар жой олган. "Маҳбуб-ул-қулуб"нинг биринчи қисмида 40 дан ортиқ касб эгалари фаолиятига ҳаққоний ва қизиқарли таъриф берилган.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда деҳқонлар асосий бойликни — нозу неъматни яратувчилар деб ҳисобланади. Ўзининг ҳалол меҳнати орқали жамиятни нозу неъматлар — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан баҳраманд этувчи бу касб эгаларига "Деҳқонлик зикрида" деб аталувчи 31 фаслда қуйидагича таъриф берилган:

"Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўлин очар... Олам маъмурлиги алардин, олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар

(Давоми 12-саҳифада)

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ОДАТЛАНИБ ҚОЛМАНГ

Маълумки, инсоннинг имкониятлари чегарасиздир. Ҳамма гап ўз имкониятигандан фойдаланиш ёки фойдаланмасликда. Етук мутахассис билан ўртада фарқ ҳам шундай келиб чиқади. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, заҳматсиз ютуққа эришиш мушкул.

Мен ёшларимиз ўқишдан “қулайлик”лар ахтармай, ялқовликларини, ижодий ва шахсий камолотга эришишга кўпроқ эътибор беришларини хоҳлардим. Истардимки, ҳар бир киши ўз қобилиятига мос, ўзига ёқадиغان ишни танлаб олиб, уни охирига етказса. Фақат шундагина бугунги ютуқларимизни мустаҳкамлаб, эртага яна кўпайтира оламиз. Агар биз фақат оёқ остинигина ўйлаб, бугунги кун билан яшасак, ўз шахсий қобилигимизга ўралашиб қоладиган бўлсак, узоққа бора олмаймиз.

Бирорта ишнинг энгил кўчишига мўлжал олманг.

Хожа Самандар Термизий шундай деган: “Азизим, то талаб оёғи ранжу меҳнат тикони билан мажруҳ бўлмас экан, висол қўли мақсад гулини ёқасига етолмайди. Кишида кучли интилиш бўлмагунча, муроднинг офтоби машриқ умиди уфқидан нур сочиб чиқмайди. Чунки гул териш учун тикон заҳрини чекиш лозим”.

Ранж чекмасдан туриб, ганж эшигини очиб мумкин эмас.

Демак, мақсадга етишмоқ учун тинимсиз саъй ҳаракат қилмоқ, қулайликларга одатланиб қолмаслик керак. Қулайликларга мўлжал олган киши ялқов, дангаса бўлади. Ёзда дангасага: “Эшикни оч!” десанг, “Ташқари совуқ”, дейди. Ялқовлик туфайли ишламай камбағаллашган кишини барча ёмон кўради, дўсти ҳам узоқлашади, болалари ҳам менсимай қўяди. Билингки, камбағаллик барча балоларнинг бошланишидир.

Қулайликларга одатланиб қолиш — бу ялқовлик аломати. Ялқовлик эса кишини яхши ишлар қилишдан қайтаради, ғайратни йўқотади, касбу кор билан шуғулланишдан қолдиради. Баъзи кишилар ғайрат қилиш ва ҳаракатни кучайти-

риш ўрнига оғир кунга тушиб қолганда қўлни қовуштириб, айбни тақдирга тўнкайдилар.

ЎЗИНГИЗГА ОРТИҚ БАҲО БЕРМАНГ

Билингки, кимдаким манманлашиб, ўзини баланд тутиб, кўксига урса, уни на халқ, на тангри севади. Ҳар бир киши маълум даражада камтар ва ўзига танқидий назар билан қарайдиган, бошқаларга баҳо бера билиши ва ўз истагини, қобилият, билим ва кучи билан мувофиқлаштира билиши керак. Уларга ортиқча баҳо бериб юборсангиз, кейин қаттиқ афсусланишингиз мумкин.

Ўзининг салоҳиятига объектив баҳо беролмай, шон-шўҳратга эришишга имкони бўлмаганлар асоссиз равишда ўзини ҳар қўйга солади, асабийлашишни ўзига қурол қилиб олади ва оқибатда шу нарсанинг умрига завола бўлади.

Ижтимоий ҳаётдагина эмас, шахсий ҳаётингизда ҳам сиз эсанкирамаслигингиз ва кучингизга ортиқча баҳо бермас-

лигингиз керак. Худди мана шу пайтда муваффақиятсизлик кишини жуда оғир ботади.

Хуллас, инсон ўзини бошқалардан ортиқ деб билмаслиги, ўзини ақлли, ўзгаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Борди-ю юқорида айтилганларга йўл қўйилса, демак бу худбинлик бўлади. Худбин одамлар ўз камчиликларини кўрмайдилар, кўрсалар ҳам уни камчилик деб санамайдилар ёки тан олишни истамайдилар. Бошқаларнинг камчилигини кўриб қолсалар, шов-шув кўтаришга уринадилар.

Агар одам ўз шахсига маҳлиё бўлиб, жамоат манфаатини ўйламаса, унда шахсий кулфат деярли фожиага айланади.

Маълумки, муваффақиятга асир тушган одам албатта енгиллади, унинг иши ҳеч қачон бароридан келмайди. Оллоҳ ҳам унинг ишига мададкор бўлмайди.

Ўғитлар Ё.Абдуллаев, З.Йўлдошев, Ф.Каримовларнинг Академик Мурод Шарифхўжаевга бағишланган «Одавий эрсанг...» китобидан олинди

каён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот.

Дехқонки, тузлук била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дона кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларга андин мастлик, тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлик. Ўроқчига андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи....

Гадо андин тўқ, кахудо тўқлуги ҳам андин ўқ. Мусофирга андин таом, мужовирга андин ком. Итмақчи танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, гурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин ҳузури тоат, обидга андин лофи қаноат....

Дехқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур”.

Кўриниб турибдики бобомиз деҳқоннинг меҳнати нафақат ўзига, балки ўзгаларга ҳам манфаат келтиради деб ҳисоблайди: қурту қуш, дашт ваҳши (хайвон), мўр (чўмоли), кабутар, ўроқчи, бошоқчи, барзағар (экин экувчи), пуштакаш (ташувчи), гадо, кахудо (подшоҳ), мусофир, мужовир (ўз жойида яшовчи), итмақчи (новвой), аллоф (галла савдогари), фуқаро (камбағаллар), гурабо (мусофирлар); зоҳид (шайх), обид (ибодат қилувчи). Навоий моддий бойлик мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти деҳқон меҳнатига боглиқ эканлигини меҳр билан тасвирлайди.

Улуг алломанинг мамлакат фаровонлиги ва тараққиётини таъминловчи асосий омил — меҳнат эканлигини тараннум этувчи куйидаги байтлари эса асрлар оша одамларни меҳнатсеварликка, фидойиликка, эзгуликка чорлайди.

Ранж кўрмайин киши топарму фароғ,**Кўнгул ўртанмайин ёнарму чароғ.****Тухум ерга кириб чечак бўлди,****Қурт жондин кечиб ипак бўлди.****Лола тухмича ғайратинг йўқму,****Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!**

Навоий бобомизнинг асарларида мамлакат фаровонлигини таъминловчилар-деҳқонлар меҳнатига алоҳида эътибор берилганлиги илмий ва амалий асосга эга. Зеро, ажодларимиз ҳам азалдан қишлоқ хўжалигига жиддий аҳамият билан қараганлар. Шу сабабли “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” деб номланган 2009 йилда қишлоқларимизнинг обод бўлишига, турмуш тарзининг юксалиши, қишлоқдаги молиявий ишлар — солиқ, суғурта, бухгалтерлик, иқтисодиёт, банк иши тараққиётига муносиб ҳисса қўиш ҳар биримиз учун фарз ва қарзидир.

Умрни зоеъ этма меҳнат қил,**Меҳнатни саодатнинг калиди бил.****Н.ҲУСАНОВ**

Bozor iqtisodiyoti sharoitida tadbirkorlik faoliyati subyektlari, qolaversa, iqtisodiy jarayonlar bilan hamnafaslikda bo'lgan barcha shaxslar o'z iqtisodiy manfaatlarini qimmatli qog'ozlar bozori bilan bemaolol bog'lashi mumkin. Hozirgi kunda barcha sohalar kabi qimmatli qog'ozlar bozorida ham keng qamrovli islohotlar olib borilmoqda. Joriy yilning 23-iyulida matbuotda e'lon qilingan va kuchga kiritilgan "Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining qonuni fikrimizning yorqin dalilidir. Mazkur qonun O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2006-yil 27-sentabrda imzolangan "Qimmatli qog'ozlar bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaror ijrosini ta'minlash maqsadida ishlab chiqilgan va qabul qilingan.

Ushbu sohaning nafaqat O'zbekiston Respublikasida, balki butun MDH davlatlari hududida yangi ekanligini ta'kidlash joiz. Chunki qimmatli qog'ozlar bozori tadbirkorlik faoliyati yuritishning yangi va serqirra sohasi ekani barobarida, katta daromad manbaidir. Davlat tomonidan ushbu sohaning qonun yo'li bilan tartibga solinishi ko'pgina

qog'ozlarni xarid qilish yoki sotish bo'yicha tavsiiyanomalar berish; mazkur sohani tartibga soluvchi qonun hujjatlarida qayta takrorlanadigan qoidalarni bartaraf qilish kabi muhim qoidalarni nazarda tutadi.

Mazkur qonun 64 modda va 9 ta bobdan iborat tarkibda qabul qilingan bo'lib, ular asosan qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risidagi umumiy tavsifiy qoidalar, qimmatli qog'ozlarni muomalaga chiqarish qoidalari, qimmatli qog'ozlarni joylashtirish va ularning muomalasini amalga oshirish masalalari, qimmatli qog'ozlar bozorida professional faoliyat asoslari, qimmatli qog'ozlarga bo'lgan huquqlarni hisobga olish, qimmatli qog'ozlar bozorida axborotni oshkor qilish, qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish, qimmatli qog'ozlar bozorining ishtirokchilarining huquq, majburiyatlari va javobgarligi kabi masalalarni o'z ichiga olgan.

Qonunning 3-moddasida asosiy tushunchalarning tavsifi yoritilgan bo'lib, ulardan qonunchilik va amaliyotda ifodasini topganiga ko'p vaqt bo'lmaganlari sifatida veksell, depo hisobvarag'i, deponent, obligatsiyalar, fond birjasi, qimmatli qog'ozlarga doir fyuchers, qimmatli

qaror xizmat qilishi mumkin. Ushbu qarorni qonunning 5-moddasiga asosan emitent, ya'ni ta'sischi va muomalaga kirituvchi chiqaradi. Qonunning 6-moddasiga asosan ushbu qaror tegishli tartibda davlat ro'yxatidan o'tkazilganidan keyingina kuchga kiradi.

Qonunda keltirilgan yangi holatlardan yana biri — emissiyaviy qimmatli qog'ozlarning chiqarilishini davlat ro'yxatidan o'tkazish chog'ida emitent mazkur chiqarilishdagi emissiyaviy qimmatli qog'ozlar nominal qiymatining 0,01 foizi miqdorida respublika budjetiga yig'im to'lashidir. Zero, bu to'lov hajmi ushbu qonun qabul qilinguniga qadar 0,1 foizni tashkil etardi. Bu albatta, ushbu bozor ishtirokchilari uchun berilgan imtiyozdir.

Qonunning yangi jihatlari 19-moddada qimmatli qog'ozlar bozorining professional, ya'ni doimiy tartibda faqat shu faoliyat bilan shug'ullanuvchi ishtirokchilari ro'yxati berilganligi misolida ham ko'rinadi. Ular asosan investitsiya vositachisi (broker, diler), investitsiya maslahatchisi, investitsiya fondi, investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchi, depozitariy, hisob-kitob-kliring palatasi, transfer-agent, qimmatli qog'ozlarning

IQTISODIY BARQARORLIK OMILI

muammolarning oldini olishi bilan birgalikda sohaning tartibli rivojlanishi uchun ham yo'li ochib beradi.

Mamlakatimiz qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga soluvchi normalarning turli qonun hujjatlarda aks ettirilishi, muayyan bir holatda, ularning o'rganilishi va anglab yetilishini qiyinlashtirar, o'z navbatida qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchilari uchun ko'plab tushunmovchiliklarni keltirib chiqarar edi. Bundan tashqari, jahon qimmatli qog'ozlar bozori jadallik bilan rivojlanar ekan, yuqorida sanab o'tilgan qonunlarning aksariyat qoidalari zamonaviy talablarga, xorijiy moliyaviy bozorlarga qo'shilish shartlariga mos kelmas edi.

Shu bois, qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchilari uchun qulay sharoit yaratish, ushbu sohada huquqiy tartibga solishning yaxlitligini va tizimlilikini ta'minlash maqsadida yagona qonun qabul qilindi.

Ushbu qonun qimmatli qog'ozlar bozorining barcha ishtirokchilari tomonidan axborotlarni ochish majburiyatini belgilash; qimmatli qog'ozlarga bo'lgan huquqlarning takroran hisobga olinishini bartaraf qilish; ilgari chiqarilgan naqd korporativ qimmatli qog'ozlarni naqdsiz shaklga o'tkazish va ularni keyinchalik faqat naqdsiz shaklda chiqarish; qimmatli qog'ozlar bozorida professional faoliyat turlarini qo'shib olib borishga bo'lgan alohida cheklanishlarni bekor qilish hamda tegishli litsenziyalarga ega bo'lgan investitsiya maslahatchilariga, muayyan qimmatli

qog'ozlar emissiyasi, qimmatli qog'ozlarning hosilalari kabi yangi keltirilgan tushunchalarni ajratib ko'rsatish mumkin.

Qonunga ko'ra, veksell deb veksell beruvchining yoki vekseldagi ko'rsatilgan boshqa to'lovchining vekseldagi nazarda tutilgan muddat kelganda veksell egasiga muayyan summani to'lashga doir shartsiz majburiyatini tasdiqlovchi noemissiyaviy qimmatli qog'oz tushuniladi. O'z navbatida esa depo hisobvarag'i deganda deponentning qimmatli qog'ozlarini saqlash va qimmatli qog'ozlarga bo'lgan huquqlarni hisobga olish uchun mo'ljallangan depozitariyning hisobga olish reyestraridagi yozuvlar majmui tushunilishi lozim. Yana fond birjasi tushunchasi ostida ochiq va oshkora birja savdolarini oldindan belgilangan vaqtda va belgilangan joyda belgilangan qoidalar asosida tashkil etish hamda o'tkazish orqali faqat qimmatli qog'ozlar savdosi uchun sharoitlar yaratuvchi yuridik shaxs nazarda tutiladi. Yana shu kabi boshqa tegishli tushunchalar ham ushbu qonunda o'z tavsifini topgan.

Qimmatli qog'ozlarning muomalasi, ular bilan ishlash, ulardan ko'zlangan maqsadlarga erishish, ya'ni daromad olish, albatta, ularni chiqarishdan boshlanadi. Qonunning 4-moddasiga binoan, qimmatli qog'ozlar chiqarilish shakliga ko'ra blankalar tarzida hujjatli va depozitariylarning hisobga olish reyestraridagi yozuvlar tarzida hujjatsiz bo'lishi mumkin. Albatta, emissiyaviy qimmatli qog'ozlarning chiqarilishi uchun asos sifatida tegishli tartibda qabul qilingan

birjadan tashqari savdosi tashkilotchisi kabilardan iborat bo'lishi mumkin.

Qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchilari bilan birgalikda yangi kirib boruvchilar uchun qulayliklar yaratish hamda ularning faoliyati xavfsizligini ta'minlash maqsadida qonun bilan sohadagi tegishli ma'lumotlarning ochiq va oshkora ekanligi, bundan tashqari, tegishli axborotlarning qonun hujjatlarida belgilangan tartibda sir saqlanishiga oid holatlar qonunning oltinchi bobida aks etgan. Qonunning 38-moddasiga asosan, bu sohada axborot ochiq va oshkora bo'lib, qonunda belgilangan hollar esa istisno sifatida qabul qilinishi mumkin. Tegishli hollarda bu sohada vakolatli davlat organi, qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchilari, shu jumladan kichik korxonalar va mikrofirmalar axborotni ommaviy axborot vositalarida e'lon qilish hamda hisobotlar, ma'lumotlar va boshqa axborot taqdim etish orqali oshkor qilib borishi belgilangan.

Shu tariqa, mamlakatimizda qimmatli qog'ozlar bozorining qonun yo'li bilan tartibga solinishi, avvalo bu sohada tartibni vujudga keltiradi, qolaversa, ushbu sohani tegishli hollarda nazorat qilish hamda qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchilarining huquq va manfaatlarini himoya qilishni osonlashtiradi.

Farid AHMEDOV,
«Hisob-iqtisod» fakulteti talabasi,
Jalol ALLABERDIYEV, BA-5-guruh
magistranti

(Конец. Начало в предыдущих номерах)

В силу всего сказанного относительно рассмотренных причин, можно отметить следующее. Многие эксперты в начале 2008 года полагали, что до стабилизации финансовой системы и прекращения рецессии еще далеко. По самому оптимистичному их сценарию, фондовые рынки могут прекратить лихорадить в первом квартале 2009 года. Однако в октябре-декабре месяцев 2008 года мировой финансовый рынок начал переживать коллапс, в связи с чем, возникает сомнение относительно этого сценария.

Этот кризис не связан только с фондовыми и сырьевыми рынками. Он был еще в основе ипотечного кризиса. Непосредственным поводом для игры на понижение было громкое банкротство Lehman Brothers, фактическое банкротство Merrill Lynch. Американские власти пошли на беспрецедентный шаг по их спасению и национализации крупнейших ипотечных агентств Fannie Mae, Freddie Mac и крупнейшей в мире страховой компании AIG. На самом деле это настолько громкие банкротства, что многих удивляет, почему по этому поводу так мало комментариев. Это беспрецедентные явления, которые можно сравнить, пожалуй, только со временами Великой депрессии в США. Системный финансовый кризис вышел в открытую фазу в августе 2007 года. Тогда говорили, что все стабилизируется к зиме. Потом стали уповать, что это произойдет к весне 2008 года. А весной 2008 года обанкротился Bear Stearns. Тогда стали уповать на лето. Но прошла осень и идет зима 2008 года, и мы видим, что произошло в действительности. Сейчас в США идет спасение крупных финансовых институтов по скорректированному плану Генри Полсона — министра финансов США. Уже практически проданы Lehman Brothers и Merrill Lynch. Пошли сообщения о таком же положении Goldman Sachs и Morgan Stanley. В предбанкротном состоянии оказались автомобильные компании Ford Motors, General Motors, Crysler и многие другие гиганты различных отраслей, которые также нуждаются в государственной финансовой помощи. Причем в конгрессе США решается вопрос национализации этих автомобильных компаний. И многим стало неизвестным, где это остановится и когда. В связи с этим вызывают большие сомнения заявления западных экспертов о том, что ситуация стабилизируется к первому кварталу 2009 года. Если заглянуть в историю Великой депрессии в США, то рецессия продлилась 18 месяцев. Видимо, как минимум такую продолжительность логично будет прогнозировать.

Сейчас мир находится в фазе потери контроля над протеканием кризисных событий. Эта ситуация опасна тем, что

у финансов есть такая особенность, как взаимозависимость (см. первую причину). Подтверждением этому является стремительное распространение кризиса по синхронному сценарию по всему миру (Европе, Азии, Латинской Америке и др.), начавшегося в США. Следовательно, можно сказать определенно, что крупнейшие финансовые институты и компании не могут крушиться изолированно. Они начали тянуть за собой в бездну кризиса и другие финансовые институты по всему миру.

Из истории финансовых кризисов известно, что для выхода из кризиса можно предположить два пути. Первый — этот кризис можно пустить на самотек, и рано или поздно произойдет самоисцеление всей финансовой системы и экономики в целом. Но это чрезвычайно болезненный путь, который вызовет глобальную депрессию по всему миру. Второй путь — это долларовая эмиссия с понижением учетной ставки до 1,5%, которая происходит в настоящее время, что в итоге приведет к гиперинфляции. По этому — второму — пути пошли развитые страны, в частности, в первой декаде декабря 2008

тельно устойчивости евро в условиях нынешнего кризиса. Однако, по нашему мнению, доллар все же быстрее чем евро может укрепить свои позиции в будущем. Поскольку долларовая эмиссия является всецело Американской моделью, то она будет способствовать укреплению доллара за счет эксплуатации других экономик и их валют. Например, для того, чтобы получить 1 доллар прибавленной стоимости (чистой прибыли), необходимо получить ссуду в сумме 8



Ш.Ш.ШОХАБЗАМИЙ, профессор

В ЧЁМ ПРИЧИНЫ МИРОВОГО ФИНАНСОВОГО КРИЗИСА И СКОЛЬКО ВРЕМЕНИ ОН МОЖЕТ ПРОДОЛЖАТЬСЯ?

года Центральный банк Англии снизил учетную ставку до 2% — самого минимума в своей истории, Центральный банк Евросоюза — до 2,5%, а Федеральная Резервная Система (ФРС) кроме снижения учетной ставки приняла решение покупать корпоративные и государственные ценные бумаги, что является нетрадиционным для нее. И все это может перейти к депрессивному развитию сценария и будет попыткой растянуть агонию. В этой эмиссии больше всего выигрывают собственники (например, Морганы, Ротшильды, Варбурги, Рокфеллеры и т.п.) ФРС США, чьи конгломераты, как показывает история их бизнес-поведения в условиях предыдущих кризисов, остаются в тени в период мирового финансового кризиса и по его результатам, как правило, умело подчиняя негативные стороны кризиса в свою пользу, будут перераспределять между собой обесценившийся капитал. Не потеряют свои позиции также и алмазно-ювелирные компании-гиганты (например, Дебирс, Росалмаз и т.п.), а также игроки рынка золота и других цветных металлов. На мировом валютном рынке Forex ужесточилась борьба между долларом и евро. В этих условиях те Европейские страны (например, Великобритания, Норвегия, Швеция, Швейцария и др.), которые не вошли в зону единой евровалюты, видимо изменят в будущем свое решение в силу относи-

долларов, что и делается в настоящее время ФРС и правительством США, которые наращивают сумму задолженности путем долларовой эмиссии. Причем правительство, являясь вечным должником ФРС, перераспределяет свой долг в финансовой системе (по банкам), которая, в свою очередь, кредитует реальную экономику. Таким образом, происходит долларовая пирамида, которая охватывает весь мир. Это не может длиться вечно, рано или поздно такая пирамида все же разрушится. Поскольку именно уроки мирового финансового кризиса во многом раскрывают сущность негативного воздействия валютной системы США на другие экономики. На наш взгляд, единственное, что может спасти мир от нынешнего глобального финансового кризиса, — это плодотворные переговоры между основными странами в формате G20 мирового финансового рынка, в том числе, страны, которые имеют право на новые претензии: Бразилию, Россию, Индию, Китай (сокращенно — БРИК). Если в переговорах стран G20 будут учтены интересы всех участников, будет принято решение о реструктуризации существующих долгов и создании финансовой системы на новых условиях, учитывающих рекомендации Базельского комитета и IOSCO, то это может преодолеть финансовую катастрофу. В целом же для финансовых систем развивающихся стран этот кри-

зис будет иметь более серьезные последствия. Поскольку цена финансовых активов снизилась, по залоговая база сузилась. В условиях кризиса участники рынка относятся друг к другу с недоверием, поэтому будет сдерживаться выдача новых банковских кредитов либо они станут очень дорогими, поскольку в них будут закладывать очень высокие риски. Этот кризис доверия можно будет снять только путем интервенции государства. Так и поступают в настоящее время правительства всех зарубежных стран: США, Европы, Азии, России и т.д., которые выделяют значительные финансовые средства. В качестве другого факта можно указать на небывалую активность в области корпоративных слияний и поглощений, обусловленной технологическими и экономическими изменениями, произошедшими в последнее десятилетие XX-го века и в настоящее время, что обусловлено усилением процесса концентрации капитала и растущей глобализацией деятельности компаний, либерализацией доступа на национальные рынки капитала. Это происходит как на национальном, так и на мировом уровне. Рынок международных операций по слияниям и поглощениям в последние годы вырос в разы, что существенно повлияло на снижение бизнес-базиса акций. Поскольку на эти операции, опосредованные дополнительными эмиссиями акций, были направлены подавляющая часть (более 95%) денежных средств, и только не большая часть средств использованы на развитие

компаний. Так, например, к 2001 году его объем превысил 650 млрд.долл., а к 2007 году он превысил 3,2 трлн.долл.

4. Усиление зависимости экономик, особенно развивающихся стран, от мирового РЦБ и крупнейших институтов коллективного (в том числе, спекулятивно-портфельного) инвестирования.

В настоящее время в ценных бумагах воплощена существенная часть всех финансовых активов развитого общества. Так, к 2007 году совокупный объем рынка акций (примерно 47 трлн.долл.) и долговых ценных бумаг (свыше 60 трлн.долл.), исчисленный по величине капитализации и задолженности, составил небывалых размеров в более чем 107 трлн.долл., что в 2,7 с лишним раза превышает суммарный объем мирового ВВП и примерно в три с лишним раза — показатель денежной массы M2 (т.е. наличные деньги и средства на счетах в банках). А объем мирового рынка деривативов (производных ценных бумаг) увеличился с 20 трлн.долл. в начале 1990-х годов до 500 трлн.долл. в 2007 г. Если в относительных пропорциях сопоставить стоимостные объемы рынков товаров, услуг, золота и кредитов, то совокупный объем мирового РЦБ значительно превосходит своё реальное стоимостное выражение (примерно в 80-85%). Если сопоставить стоимостные объемы годового оборота мировых РЦБ (более 686 трлн.долл.) и мировой внешней торговли товарами (11,2 трлн.долл.), то их соотношение в 2007 году составляет примерно 63:1 со-

ответственно. В то же время среднегодовой темп прироста оборота мирового валютного рынка в 1989-2006 гг. составил 8,2%, тогда как объем мировой торговли товарами и услугами за тот же период в долларовом выражении увеличился на 6,5% в год. Отсюда следует, что мировой валютный рынок все меньше обслуживает внешнеторговые сделки и все больше — сделки, связанные с международным движением капитала, в основном в форме ценных бумаг. Динамика трансграничного движения капитала в 1991-2007 гг. на примере США (темпы прироста трансграничных потоков капитала) 17% в среднем за год, Великобритании — 26,9% и Канады — 9,8%, показала лидерство двух первых из них в мире в данной области, а также роль мировых РЦБ в трансграничном движении капитала.

Вместе с тем международно-интегрированные РЦБ могут выступать, как показывает экономическая практика, источниками масштабной финансовой нестабильности, негативных изменений в экономике, социальных потрясений и неблагоприятных рисков. К примеру, можно указать на региональные (Азиатский 1997 г., США 2000-2001 гг.) и глобальные кризисы (ипотечный и финансовый) 2007-2008 гг. в США, которые сильно пошатнули мировую экономику. Так же такие РЦБ способны гибко реагировать на любые изменения в экономике, социальные потрясения, кризисы и неблагоприятные риски, сглаживать негативные явления.

Talaba tadqiqoti

Iqtisodiyotimizni rivojlantirishdagi asosiy vositalardan biri bu investitsiyalardir. Hozirgi kunda investitsiyalar iqtisodiyotning turli sohalari: ishlab chiqarish, sanoat, konchilik ishlari va boshqalarga kiritilmoqda.

Bunda, ichki investitsiyalarning ham, xorijiy investitsiyalarning ham o'z o'rni bor, albatta. Ammo xorijiy investitsiyalarni alohida e'tirof etish joiz. Bunga isbot sifatida "2008-yilda O'zbekiston Respublikasini ijtimoii-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor vazifalari va yo'nalishlarini amalga oshirish chora-tadbirlari dasturi"da xorijiy investitsiyalarni jalb etishga alohida e'tibor qaratilganini ko'rsatishimiz mumkin.

Bu dasturda shu bilan birga 2007-yilda yurtimizdagi investitsion

foizini xorijiy investitsiyalar tashkil qilgan korxonalar ham, korxonadagi ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan mol-mulkni O'zbekiston Respublikasiga olib kirish chog'ida bojxona boji to'lashmaydi.

Xorijiy investitsiyalar kirib kelayotganda davlat tomonidan kafolatlanadi yoki kafolatlanmaydi. Chet ellik investorlar o'zlari kiritayotgan investitsiyaning davlat tomonidan



XORIJIY INVESTITSİYALAR MILLIY IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH OMILI

faoliyat qanday holatda bo'lganligi haqida ham ma'lumot berilgan. "Iqtisodiyotga investitsiya qo'yish umumiy hajmi 2007-yilda 23 foizga o'sdi. Investitsiyalarning 70 foizidan ortig'i ishlab chiqarish obyektlari qurilishiga, shu jumladan, 50 foizga yaqini texnik va texnologik jihatdan modernizatsiya qilishga yo'naltirildi. Bunda o'zlashtirilgan xorijiy investitsiyalarning hajmi 58 foizdan ortiq o'sgani holda 1 mlrd.dollardan ortiq bo'ldi. Ularning qariyb 76 foizini to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar tashkil qildi" («Ma'rifat». 2008-yil, 13-fevral, № 12.).

Yuqoridagi ma'lumotlardan investitsion faoliyatning qay darajada o'sganini ko'rishimiz mumkin. Bu o'z-o'zidan bo'lgani yo'q, albatta. Masalan, yurtimizga chet el investorlari o'zlari faoliyat yuritayotgan chet el investitsiyasi ishtirokida tashkil qilingan korxona uchun zarur bo'lgan mol-mulkni olib kirish chog'ida bojxona boji to'lashmasdi. Endi esa faqat chet ellik investorlar emas, balki ustav fondining 33

kafolastlanishini xohlashadi. Chunki investitsiyaning davlat tomonidan kafolastlanishi ular amalga oshirmoqchi bo'lgan faoliyat yaxshi yurishmasdan, samarasiz natija bilan tugagan taqdirda ham investorga yutqazmaslik imkonini beradi.

Yurtimizda iqtisodiy faoliyat bilan shug'ullanish uchun keng imkoniyatlar mavjud. Bunday sharoitda boshlanayotgan iqtisodiy faoliyatning samarasiz natija bilan tugash ehtimoli kam. Boshqa tomondan iqtisodiy faoliyat, ya'ni tadbirkorlik tavakkalchilikni talab qiladi. Shunday ekan, chet ellik investorlar yurtimizdagi loyihalarga hozirgi bozor iqtisodiyoti munosabatlariga o'tish sharoitida hech ikkilanmasdan o'z investitsiyalarini qo'yishlari mumkin. O'ylaymanki, ular bundan yutqazishmaydi.

Jasur YUNUSOV, «Hisob-iqtisod» fakulteti talabasi

Talqin

Ogohlik



Конституциямиз — бугунги кунимизнинг қомуси, эртанги кунимиз, кураётган демократик жамиятимиз истиқболлини белгилаб берувчи ҳуқуқий ҳужжат, мамлакатимиз ёшларининг келажак йўлини ёритувчи маёқдир.

Конституциямиз биз ёш авлодни ҳуқуқий ҳимоя қилиб келмоқда. 2007-йил 8-декабрда Бош қомусимизнинг 15-йиллигига бағишланган тadbирда Юртбошимиз И.Каримов 2008-йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилдилар. “Ёшлар йили” давлат дастури қабул қилинди. Бу дастурда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида менталитетизмга ёд бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш кўзда тутилган. Шу билан биргаликда таълим даражасини такомиллаштириш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишни кафолатлайдиган йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш, ёшларда соғлом турмуш-тарзини шакллантириш лозимлиги уқтирилган. Буларнинг барчаси Конституциямизга асосланиб амалга оширилмоқда. Ёшлар учун биринчи навбатда Конституциямизда бепул умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланган бўлиб, ҳар биримиз мактабни, коллеж, лицейларда бепул ўқиш имкониятига эгамиз.

Биз ёшлар бу имкониятлардан унумли фойдаланишимиз зарур. Ҳозирги кунда талабаларга давлат томонидан юқори малакали профессор-ўқитувчилардан таълим олиш, таълим грантлари ютиш, чет мамлакатларга чиқиш имкониятлари берилган. Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра ақли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган фикрларига муносиб бўлайлик.

Нургул БҲРИЕВА,
“Бошқарув” факультети
II курс талабаси

Бугунги кунда чекиш инсониятга табиий офатлар ва оғир хасталиклардан ҳам кўп қирон келтираётгани аниқ далиллар ва таҳлиллар билан мутахассислар томонидан исботланган. Шу сабабли кўпгина давлатларда, жамоат жойларида, ўқув муассасаларида чекиш тақиқланган.

Бизнинг институтимиз ҳудудида ҳам чекиш тақиқланган. Лекин шунга қарамасдан институтимиз дарвозаси олдида кўпчилик талабаларимизнинг сигарета чекиб туришганига кўзимиз тушиб туриши айни ҳақиқатдир.

Одатда, жамият томонидан бу зарарли одат айб саналмайди. Ҳатто маърифатли, зиёли кишиларнинг бу зарарли иллат асирига айланганини кўрамиз. Аслида чекиш гиёҳвандликнинг бир тури ҳисобланишини замонамиз шифокорлари таъкидламоқдалар. Шифокорлар ва турли оммавий ахборот воситаларининг инсониятни кашандалик балосидан асраш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бесамар кетаётганини дунё миқёсидаги таҳлиллар кўрсатмоқда.

Жаҳон статистикасининг далолат беришича, ҳозирги вақтда ер кўррасида яшаётган эркекларнинг 60% ва аёлларнинг 20% мунтазам чекади. Чекувчилар айниқса, ёшлар, қизлар ва ўсмирлар ўртасида йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар кaшaнда эркекларнинг деярли 1/5 қисми 8-9 ёшдан чека бошлаганлигини кўрсатган, 92% дан ортиқ чекувчилар эса чекишга 19 ёшгача ўрганганлар.

Ўсмирларнинг чекишга ружу қўйишига асосий сабаблар сифатида қуйидагилар кўрсатилмоқда: ўртоқларига тақлид қилиш — 26,2%, қизиқиб чекиш — 24,1%, шўхлик — 18,6%, “эркатой” деб аташларидан қўрқиш — 17,2%, озиш ниятида 9,7% чекиш, сиқилишдан чекиш — 4,6%. Шуниси маълумки, ўсмирлар кўпинча ўзларининг соддаликлари, қизиққонликларидан чека бошлайдилар.



Тамаки таркибидаги 40 дан ортиқ конероген моддалар таъсирида хавфли ўсма касалликлари пайдо бўлади. Ўпкада чекиш таъсирида тамаки тутуни таркибидаги углерод оксидининг гемоглабин билан кўпроқ бирикиши натижасида қоннинг кислородга тўйиниши пасайиб кетади. Бу эса организмдаги ҳамма аъзо ва ҳужайраларда кис-

лород танқислигига олиб келади. Бундан ташқари чекиш кўп касалликларни келтириб чиқаради, масалан, чекувчи инсонларда никотин таъсирида қон айланиши бузилиши натижасида юракнинг иш фаолияти сусайиб кетади. Марказий асаб тизимида миянинг озиқланиши бузилади. Мия фаолиятидаги тормозланиш ва қўзғалиш жараёнлари орасидаги мувофиқлик ўзгаради. Чекиш мия фаолиятига доимий қўзғатувчи таъсир этади. Бу эса асаб ҳужайраларининг тез чарчашига олиб келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 4 миллионга яқин киши чекади. Айниқса, ёш қизлар (умумий таълим мактаблари ўқувчилари) ва ҳомиладорлар ўртасида чекувчилар қайд қилинмоқда.

Чекишга ружу қўйган кўпчилик кишилар ўзларини оқлаш мақсадида, чекишни қанда қилмаса-да, узоқ яшаб, салмоқли ижод қилган машҳур адиблар, олимларни рўқач қиладилар. Буюк рус ёзувчиси Л.Н. Толстой бундай фикрга ўз вақтида жуда муносиб жавоб берган: “Биз, ички дунёси бой бу кишиларнинг бошни гангитадиган гиёҳларнинг тубанлаштирувчи таъсирига дучор бўлсалар-да, улкан ишларни бажарганликларидан шундай хулосага келамиз: агар уларнинг бошлари гангимаганда эди, бундан ҳам улкан ишларни амалга оширган бўлар эдилар”.

Ушбу мақолани ёзишимдан асосий мақсад чекишнинг салбий таъсирлари ва оқибатларини айтиб ўтиш эмас, балки чекувчилар ўзларининг бу зарарли одати тўғрисида яна бир бор ўйлаб, ўзлари учун хулоса чиқаришларидир.

Агар бу мақола бирор-бир кимсанинг чекишни ташлашига туртки бўла олса, ўйлаймани, уни бекорга ёзмабман. Мақола сўнггида тоғда яшаган юз ёшли бир кексанинг кашанда йигитга айтган сўзларини эсга олишни ўринли деб топдим: “Чекишнинг учта “афзаллиги” бор: кашанданинг уйига ўғри тушмайди — чунки у кечаси билан йўталиб чиқади, уни ит қопмайди — чунки у ҳассага таяниб юради, у ҳеч қачон қаримайди, чунки у ёш ўлиб кетади!”

Оқила ШОМУРАТОВА,
“Бошқарув” факультети II курс талабаси

Hozirgi paytda aholining sug'urtaga bo'lgan ishonchi, ochig'ini aytganda, juda maqtarli darajada emas. Chunki, ko'pchilik "sug'urta" o'zi nima ekanligini to'liq anglab etgani yo'q. Sug'urtaning ma'nosini tushunishganda ham u moyillik bildirishmaydi. Bunga sabab sug'urtaga bo'lgan ishonchning to'liq shakllanmaganligida deb bilaman. Bizda "Sug'urta ishi" fani o'tilgan. Bu dars o'zaro tortishuvlar, har xil bahs-munozaralarga boy edi. Ushbu fanni yarim yil o'tgan bo'lsak-da, lekin har darsda bir xil savol ustida bahslashardik, darsda aniq javob olsak-da,

deganda faqat dahshatli hodisalar emas, balki bular asosida vujudga kelgan favqulotda zararlar, kamchiliklarni bartaraf etish borasidagi munosabatlar, ya'ni sug'urta tashkilotlarini va sug'urtalanuvchilarni ijtimoiy himoya qilinishi tushunilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi. Sug'urta ishini yaxshilash va qayta ishlash uchun raqobat asosidagi qo'shimcha sug'urta



transport xavf-xatar tug'diruvchi vosita bo'lganligi uchun ushbu sug'urta turi ko'pchilik mamlakatlarda majburiy tarzda amalga oshiriladi. Bizning respublikamizda ham aholini ijtimoiy himoyalash, yo'l transport hodisalari sodir bo'lgan vaqtda tomonlar o'rtasidagi munosabatlarni tartibga solish maqsadida o'tgan yilning 22-aprel kuni "Transport vositalari egalari fuqarolik

SUG'URTA HAQIDAGI QARASHLAR

keyingi darsda yana shu savol tug'ilaverardi, ya'ni sug'urta o'zi nima? Bizda mazkur fanni "Kafolat" sug'urta kompaniyasining yetuk mutaxassisi Rustam aka Raimjonov o'tganlar. Dars mobaynida bizni sug'urta borasidagi o'zgarishlar va yangiliklardan xabardor qilganlar. Ma'lumki, ko'pchilik sug'urta so'zini xavf-xatar, dahshat, vahima ma'nosida ishlatishadi, chunki, bu so'z tabiiy ofatlar, baxtsiz hodisalar hamda jamiyatga moddiy zarar etkazishi bilan bog'liq. Lekin sug'urta

tashkilotlarini tashkil etish juda muhimdir. Shunga ko'ra raqobatbardosh kompaniyalarni ko'paytirish kerak deb bilaman. Kompaniyalar fuqarolarni o'ziga jalb qilishi uchun tashviqot-reklama ishlarini kuchaytirishi lozim. Lekin ayrim hollarda majburiy sug'urta ham aholini jalb qilish uchun o'ziga xos rol o'ynaydi.

Mana shunday sug'urta turlaridan biri "Transport vositalari egalari fuqarolik javobgarligini sug'urtalash" hisoblanadi. Ya'ni,

javobgarligini majburiy sug'urta qilish to'g'risida"gi qonun qabul qilinib, u oktabr oyining 22-sanasidan kuchga kirdi va bu faoliyat 3 oy, ya'ni 2008-yilning 22-yanvarigacha davom etdi. Ushbu majburiy sug'urta bo'yicha to'lov uch ming AQSh dollari ekvivalentiga teng miqdorda belgilangan. Yo'l transport hodisasida mol-mulkka va inson hayotiga (sog'ligiga) zarar etishi ehtimoli inobatga olingan holda ushbu summa ikki qismga ajratilgan.

1-qism: "Jabrlanuvchining hayoti va sog'ligiga", ya'ni (65% = 1950\$ ga teng).

2-qism: Jabrlanuvchining mol-mulkiga, ya'ni (35% = 150\$ ga teng) deb belgilangan.

Mazkur sug'urta turini amalga kiritilishi birinchidan aholini ijtimoiy himoya qiladi, ikkinchidan mamlakatimizda sug'urta madaniyatini oshishiga xizmat qiladi. Qolaversa, sug'urta tashkilotlarini moddiy tomondan baquvvat bo'lishiga omil bo'lib xizmat qiladi, deb hisoblayman.

Munisa ODILOVA,
"Boshqaruv" fakulteti II kurs talabasi



Aholining ijtimoiy himoyasini ta'minlash hamda iqtisodiyotga investitsiyalarni keng jalb etishda sug'urta muhim o'rin tutadi.

Sohani rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli chora-tadbirlar, sug'urta kompaniyalariga bo'lgan ishonchni mustahkamlamoqda. Bunda davlatimiz rahbarining 2007-yil 10-aprelda qabul qilingan «Sug'urta xizmatlari bozorini yanada isloh qilish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori muhim omil bo'lmoqda.

javob beruvchi va majburiy sug'urta turlarini amalga oshiruvchi 12 sug'urta kompaniyasi mavjud. Ularning aksariyati sezilarli ulushga va keng tarqalgan agentlik tarmoqlariga ega.

Avtotransport vositalari egalaring fuqarolik javobgarligini sug'urtalashni «O'zbekinvest», «O'zagrosug'urta», «Kafolat», «Ishonch», «Aziya» va «Universal» sug'urta kompaniyalari amalga oshirib kelmoqda.

Qonunda majburiy sug'urtani amalga oshiruvchi sug'urtalovchilarga

NIMA UCHUN SUG'URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH KERAK?

Sug'urta xizmatlarining raqobat bozorini yanada rivojlantirish, sug'urta faoliyatining zamonaviy turlarini takomillashtirish va sifatini oshirish, sug'urtalovchilarning kapitallashuv darajasini ko'paytirish borasida salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, sohani isloh qilish va rivojlantirishga qaratilgan ulkan e'tibor natijasida sug'urta mukofotlari miqdori o'tgan bir yil davomida 48 foiz ortdi va 72 milliard so'mni tashkil etdi.

Hozir mavjud 27 ta sug'urta kompaniyasi o'z ustav jamg'armalari miqdorini Prezidentimiz Islom Karimovning mazkur qarorida begilangan talablar darajasiga yetkazdi. Kompaniyalar ustav jamg'armasining umumiy hajmi 2007-yilda 1,5 barobar ko'payib, 26,7 milliard so'm va 67,1 million AQSh dollarini tashkil qildi. Sug'urta kompaniyalarining investitsiyalari miqdori 200 milliard so'mdan oshdi.

Prezidentimizning aytib o'tilgan qaroriga ko'ra, 2008-yilning 1-yanvaridan boshlab, majburiy sug'urta turlarini amalga oshiradigan sug'urta kompaniyalari uchun ustav jamg'armasining eng kam miqdori 1 million AQSh dollari ekvivalentida belgilandi. Hozir ushbu talabga

qo'shimcha talablar qo'yilgan. Ya'ni, birinchidan, ushbu majburiy sug'urtalarini amalga oshirish uchun sug'urtalovchi maxsus vakolatli davlat organi tomonidan belgilangan tegishli litsenziyaga ega bo'lishi kerak, ikkinchidan, sug'urtalovchi Qoraqalpog'iston Respublikasi, barcha viloyatlar va Toshkent shahrida majburiy sug'urtalash shartnomalarini tuzishga, sug'urta to'lovlari haqida jabrlanuvchilarning talablarini ko'rib chiqishga va ularni amalga oshirish uchun o'zining vakillariga ega bo'lishi shart.

Mamlakatimizda sug'urta bozorining tubdan isloh qilinib, izchil rivojlantirilishi aholining sug'urtaga bo'lgan qiziqishi ortishi va sug'urta madaniyati yuksalishida muhim omil bo'lmoqda. Ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan majburiy sug'urta turlari joriy qilinayotgan bu boradagi ishlarni yangi bosqichga ko'taradi va sug'urta tashkilotlarining kapitallashuv darajasini yanada oshiradi.

Bu iqtisodiyotga kiritiladigan investitsiyalar hajmi va miqdori yanada ko'payishiga, pirovardida xalqimiz farovonligiga xizmat qiladi.

Nasiba ISMOILOVA, dotsent,
Tolib QAYUMOV, «Hisob-iqtisod» fakulteti talabasi

Институтимизнинг «Хисоб-иқтисод» факультети узоқ ва шарафли тарихий йўлни босиб ўтган. Факультет Ленинград «Хисоб-иқтисод» институти базасида 1946 йил Тошкентда ташкил топган. Факультетда дастлаб, «Саноатда бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланган. Кейинчалик, «Статистика» (1948 йил), «Давлат банкида бухгалтерия ҳисоби» (1955 йил), «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби» (1952 йил), «Савдода бухгалтерия ҳисоби» (1962 йил), «Транспорт корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш» (1963 йил) «Тафтиш ва назорат» (1980 йил) йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган.

1990 йилда факультет базасида Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида факультетда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» вазифаларидан келиб чиқиб, Давлат таълим стандартларининг, ўқув режалари ва намунавий дастурларининг янги авлоди яратилди ва республикада базавий факультетга айланди. Бугунги кунда факультет базасида «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ҳамда тўртта мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Мустақиллик йилларида факультетда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» вазифаларидан келиб чиқиб, Давлат таълим стандартларининг, ўқув режалари ва намунавий дастурларининг янги авлоди яратилди ва республикада базавий факультетга айланди. Бугунги кунда факультет базасида «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ҳамда тўртта мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Сифатли таълим — УСТУВОР МАҚСАД

Факультетни қатор йиллар давомида иқтисод фанлари доктори, профессор А.М.Айрумов (1946-1959), Н.Ф.Жабборов (1959-1960), С.Б.Қодирхонов (1963-1969), А.С.Сотиволдиев (1969-1978), М.Х.Хамраев (1974-1984), Ё.А.Абдуллаев (1985-1991), фахрий профессор А.А.Каримов (1991-2001), (2003-2005), доцент З.Т.Маматов (2001-2003), профессор Б.Ҳасанов (2005-2006 йиллар) бошқарганлар. 2006 йилдан бошлаб факультетта иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Ю.Рахимов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда факультет тасарруфида 4 кафедра: «Бухгалтерия ҳисоби» «Математика», «Молиявий таҳлил», «Статистика» кафедралари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Факультетни тугатган мутахассислар Республика Давлат Солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси, Дипломатик ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, иқтисодиётнинг турли секторларидаги корхона, фирма ва компанияларида, чет эл ташкилотлари ва корхоналарида иқтисодчи, бухгалтер, аудитор, солиқчи, газначи, молия менежери ва бошқа хизмат лавозимларида хизмат қилмоқдалар.

Ҳисоб-иқтисод факультетида ягона «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича малакали кадрлар тайёрланади.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши базасида қўйидаги магистратура мутахассисликлари тайёрланади: «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудит», «Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва таҳлили», «Иқтисодий таҳлил», «Статистика» таълим йўналишида эса «Макроиқтисодий статистика» ва «Молиявий статистика» магистрлари тайёрланади.



Факультет тасарруфида мутахассис чиқарувчи «Бухгалтерия ҳисоби», «Молиявий таҳлил» ва «Статистика» кафедралари ҳамда «Математика» кафедраси фаолият олиб бормоқда.

Таълимга оид давлат сиёсатининг устувор мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, дарслар тасдиқланган давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида шунингдек, кадрлар истеъмолчилари ва буюртмачилари талаби асосида малакали профессор-ўқитувчилар, соҳанинг етук мутахассислари томонидан олиб борилмоқда.

Факультетнинг кадрлар истеъмолчилари ва буюртмачилари турли мулк шаклидаги иқтисодиёт субъектлари (давлат ва нодавлат ташкилотлари), фирма, компания ва корпорациялар ҳисобланади.

Мустақиллигимизни том маънода қадрлайдиган ва унинг порлоқ келажаги ва равнақи йўлида ўз билими ва қучини аямайдиган, халқимизнинг бой маънавий меросини ҳурмат этувчи, ақлан етук ва юқори касб маҳоратига эга мутахассисларни тарбиялаш факультет доирасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг ўзагини ташкил этади. Факультетда тартиб-интизом таълим сифатининг бош мезони қилиб белгиланган. Узғоз-шогирд тизими йўлга қўйилган. Миллий маънавиятли бухгалтерни камол топтириш, ватанига, жамият тарққиётига муносиб ҳисса қўшидиган кадр қилиб тарбиялаш учун турли жамоат ташкилотлари билан кенг доирада ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Факультетда 214 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи, замонавий спорт майдончаси ва мажмуаси фаолият кўрсатмоқда. Факультетнинг «Молиячи» волейбол жамоаси Республика

волейбол федерациясининг Олий лига ўйинларида фаол қатнашиб келмоқда. Шунингдек, таъкидлаш керакки, «Молиячи» волейбол жамоаси «Талаба спорт уюшмаси» томонидан ўтказиладиган мусобақаларнинг мутлақ ғолиби бўлган.

Факультетда маънавий-маърифий ишлар тизимли ташкил этилган бўлиб, 44 та академгуруҳда устоз-мураббийлик фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш мақсадида «Устоз-шогирд» тизими асосида таълим-тарбияни янада жонлантириш учун «Институт-оила-маҳалла» таълим-тарбия тизими йўлга қўйилди. Таълим-тарбия маслаҳат Кенгаши, Ота-оналар Кенгаши ташкил этилиб, уларда талабалар ва ота-оналар билан мунтазам мулоқот олиб борилмоқда.

Факультет маънавият ва марифат хонасида ҳамда «Хисоб-иқтисод» факультети тасарруфидаги 3-сонли талабалар турар жойида доимий равишда талабалар билан «Бухгалтерия ҳисоби», «Молиявий таҳлил», «Статистика» ва «Математика» кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда четдан таълим этилган меҳмонлар билан давра суҳбатлари, шунингдек, кафедра ҳафталиклари ўтказилиб келинмоқда.

Факультетда, олий таълимнинг миллий жиҳатларини сақлаган ҳолда унинг халқаро майдонда тан олинган тизимига, яъни таълимнинг икки босқичли шаклига ўтиш, синонвлар бирлигига келиш, таълим дастурларини адекватив тартиб қоидаларини белгилашга, рақобатбордошлик, муқобиллик, таълим сифатини кўтаришда таълим методологиясини такомиллаштиришга муҳим этибор берилмоқда.

Таълимга оид давлат сиёсатининг устувор мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда талабаларни етук, рақобат-



бардош кадрлар бўлиб етишишига мос мазмун-моҳиятни, шарт-шароитни яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Тақомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва фан дастурлари асосида бугунги кун талабида талабаларга замонавий билим беришнинг тизимли шакли ва мактаби яратилган.

Бакалаврият ва магистратура мутахассисликларида ўтиладиган барча фанлар бўйича ўқув комплекслари ва уларнинг электрон вариантлари яратилган.

Ўқув жараёнини ташкил этишда малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этишга, замонавий ахборот воситалари ва янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этишга, шунингдек, ўқув жараёни билан ишлаб чиқаришни интеграциялашувига, фанни ишлаб чиқаришга хизмат қилишига муҳим эътибор берилмоқда.

Факультетда ҳозирги кунда 1002 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шундан 232 нафари давлат гранти асосида, 770 нафари тўлов-контракт асосида ўқишмоқда.

Факультетда юқори касб маҳоратига эга бўлган малакали профессор-ўқитувчилар илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Хусусан, фан ва технологиялар соҳасида ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Факультет профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларнинг республикамиздаги ва хориждаги оммавий ахборот воситаларида, турли илмий-амалий анжуман тўпламларида тезис ва мақолалари чоп этилмоқда. Кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан давлат грантлари асосида фундаментал лойиҳалар бўйича ишлар олиб боришмоқда. Муҳими, аспирант ва докторантлар, илмий тадқиқотчилар-

диқотчилар ва иқтидорли талабаларнинг “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни замонавий муаммолари”-га бағишланган республика ва халқаро анжуманлари ташкил этилмоқда. Анжуман натижалари расмий нашр сифатида чоп этилмоқда. Президент стипендияси, номдор стипендияларга тавсиялар бўйича марказ фаолияти ва талабалар клуби ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси талаблари асосида факультетда илмий назарий семинар фаолияти йўлга қўйилган.

Факультетда иқтидорли талабалар билан ишлашни индивидуаллашган шакли, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва қобилият имкониятларини билим олишга йўналтиришнинг тизимли шакли (хорижий тилларни ўрганиш, компьютер саводхонлиги, мутахассислик фанлари бўйича чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқиш, таълим йўналиши бўйича САР ва СИРА дастурларида қатнашиш) ташкил этилган. Факультет талабалари ўртасидан чиқаётган Президент стипендианти ва номдор стипендиатлар, турли грантлар соҳиблари, чоп этилган илмий тадқиқот ишлари, лойиҳалар, олинган патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, сертификатлар, дипломлар, фан олимпиадалари голибларини иқтидорли талабалар билан ишлаш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижаси дейиш мумкин.

Факультетда Ахборот ресурс марказининг 10000 китоб фондига эга бўлган филиали ташкил этилган. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг электрон вариантлари манбаси яратилган. Шунингдек, 46000 китоб фондига эга бўлган АРМ ҳам талабалар хизматида. АРМнинг иш вақти 8-00 дан 20-00 гача белгиланган. Оммавий нашрлар, газета ва журналларнинг йиллик обунаси, талабаларнинг ижодий уйига айланган факультет радиоузели ташкил этилган.

2008-2009 ўқув йилида факультетни 220 нафар талабанинг битириши режалаштирилган бўлиб, улардан 59 нафари Давлат гранти, 161 нафари тўлов-контракт асосидаги битирувчилар ҳисобланади.

2008 йил 12 декабрда тасдиқланган жадвал асосида факультет битирувчилари билан етакчи мутахассислар, олимлар иштирокида назарий семинарлар ўтказилмоқда.

Маркетинг бўлими ва бошқа хўжалик юретиш субъектлари билан ҳамкорликда битирувчиларни ишга тақсимлаш бўйича шартномалар тузилмоқда, иш берувчиларнинг тақдимотлари ташкил этилмоқда. Дастлабки тақсимот натижалари бўйича барча битирувчиларнинг иш билан таъминланганлиги қайд этилган.

Факультетнинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳамда хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан кенг қамровли алоқалари йўлга қўйилган. Жумладан АҚШнинг Техас университети, Мара технология университети, Москва давлат университети, Ноттингем Трент университети, Россия молия академияси, Ҳиндистон молия университети билан доимий алоқалар ўрнатилган.

Факультетда Россия, Қозғоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон давлатларидан келган талабалар тўлов-контракт шартномаси асосида таҳсил олишмоқда.

Матназар РАХИМОВ, «Ҳисоб-иқтисод» факультети декани, иқтисод фанлари номзоди, доцент, Лазизжон БАХРАНОВ

Факультет ва унинг тасарруфидаги кафедраларнинг илмий салоҳияти

Кафедралар	Бухгалтерия дисциплина	Иқтисодий таҳлил	Иқтисодий аудит	Статистика	Жами
Кўрсаткичлар					
Фан доктори, проф.	2	3	2	7	14
Доцентлар, доц.	15	12	15	7	49
Иккита доцент	15	4	4	5	32
Ўқитувчи ва ёшлар	4	6	1	-	11
Илмий	38	25	22	23	108
Фанлари	47.2	60.0	77.8	60.6	82.4

ВА ВАЗИФАМИЗ

нинг иш самарадорлиги, диссертация ҳимоялари республика бўйича энг юқори кўрсаткични ташкил этмоқда;

Ўтган ўқув йилида факультет тасарруфидаги кафедра профессор-ўқитувчиларидан Б.Хамдамов докторлик ишини, И.Хусинов, Ш.Ганиевлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Жорий йилда статистика кафедрасидан М. Умарова, Н.Рашитова, математика кафедрасидан Ж.Матназаров, бухгалтерия кафедрасидан К.Мисировлар ихтисослашган Кенгашга ҳимояга ҳужжатларини тақдим этишган.

Факультет тасарруфидаги кафедраларда 106 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритиб, шундан фан доктори, профессорлар 14 нафарни, фан номзоди ва доцентлар 49 нафарни ташкил этади. Илмий салоҳият ўртача 59.4 фоизни ташкил этади. Шунингдек, факультетда 2008-1012 йилларга мўлжалланган дастур асосида ишлар олиб боришмоқда ва истиқболда илмий салоҳиятни 65 фоизга кўтариш режалаштирилмоқда.



Факультет қошида хорижий тиллар ўқув маркази, компьютер дастурлари таъминоти, малакали амалиётчи бухгалтер ва халқаро бухгалтерларни тайёрлаш юзасидан Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси, Молия вазирлигининг “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услибиёти” Бошқармаси, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, Аудиторлар палатаси билан ҳамкорликда факультатив курслар ташкил этилмоқда. Курс якунида мазкур соҳа бўйича сертификатлар ва гувоҳномалар берилди. Халқаро бухгалтерлар федерацияси талаблари ва уларнинг назорати асосида ўтказилган синовлар натижасига кўра Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ва хорижий давлатларда ишлаш ҳуқуқини берувчи “Малакали бухгалтер” (САР), “Халқаро бухгалтер” (СИРА) сертификатлари берилмоқда.

Факультетда ҳар йили профессор-ўқитувчилар, илмий та-

ОБУЧЕНИЕ ЧТЕНИЮ НА УРОКЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА ПО ЭКОНОМИЧЕСКОМУ НАПРАВЛЕНИЮ

В данной статье хотелось бы обратить ваше внимание на тот факт, что чтение является одним из необходимых видов речевой деятельности и весьма эффективным средством при обучении иностранным языкам. Рассмотрим, чтение как важнейшее средство коммуникации на примере урока английского языка в неязыковом институте, в частности Ташкентском Финансовом Институте по направлению Менеджмент.

Учитывая индивидуальные особенности студентов, их навыки, уровень владения языком, преподаватель должен определить когда, на каком этапе урока заниматься чтением спец текстов по данному направлению и решить для себя, когда лучше на уроке заниматься чтением специальных текстов, в начале, середине или в конце?

При подборе текстов, также целесообразно правильно отобрать текст, соответствующий уровню обучающихся. Если это студенты первого курса, целью чтения можно взять ознакомление с данной специальностью, например менеджмент, распознать насколько студента осведомлены, если у них общее понимание. Итак, текст должен иметь содержательный характер, чтобы при его чтении студент получил необходимую информацию о том, что такое менеджмент?

Для того, чтобы добиться ожидаемого результата, преподаватель должен определить какую цель он преследует. Исходя из этого включить на уроке тот или иной вид чтения, как чтение про себя или вслух, с переводом или без, со словарем или без помощи ему убедившись, что студенты получили необходимую информацию можно перейти к следующему этапу - разбору незнакомых новых слов, выражений, т.е. освоению нового лексического материала. Чтобы не терять много времени можно поделить текст на абзацы один из студентов - переводит первый абзац: другой - пересказывает краткое содержание следующего абзаца и т.д. Эти виды деятельности в свою очередь помогут студентам закрепить освоенный материал, пополнить

свой словарный запас. Далее следует ополнительно провести групповые речевые упражнения, вопросно-ответные упражнения, параллельно разобрать грамматический материал.

Если это чтение вслух, студенты получают возможность работать над выразительностью речи, увеличить темп, скорость чтения, правильно произносить слова и т.д. при этом не следует злоупотреблять т.к. чрезмерное применение громкого чтения может привести к тихому чтению на родном языке. Поэтому наиболее подходящими для этого процесса являются тексты, легкие в языковом отношении.

Наряду с практическими целями, обучение чтению преследует также образовательные и воспитательные цели. Правильный подбор текстов дает возможность использовать содержащуюся в них информацию, а также расширение общего кругозора учащихся. При чтении развивается языковая наблюдательность, и учащиеся приучаются



внимательному выражению и оформлению своих мыслей.

Особенности чтения, как речевой деятельности, делают его эффективным средством обучения. На продвинутых этапах обучения, чтение текстов является одним из способов расширения словарного запаса.

При чтении запоминание может быть как произвольным, так и предварительным. При ознакомительном чтении читатель произвольно вместе с содержанием, запоминает и языковую форму. На всех ступенях обучения рекомендуется читать много легких (для уровня) текстов. Произвольное внимание достигается путем направления его при помощи специальных заданий учителя

не только на содержание, но и на языковые средства его выражения. В практике работы необходимо опираться на оба вида запоминания. Несомненно, что на развитие устной речи, чтение оказывает положительное влияние, т.к. в процессе чтения (тихого и громкого) присутствуют все анализаторы, участвующие в разговоре. В соответствии с программой можно сформулировать основные критерии умения читать.

В зависимости от того, какой комплекс мыслительных операций, связанных со смысловой обработкой читаемого

материала различают: синтетическое, аналитическое (с элементами анализа), беспереводное (с непосредственным пониманием), переводное чтение. В заключении, хотелось бы отметить, что все выше перечисленные формы работы используются при обучении чтению как ознакомительному, так и изучаемому чтению. Обучение чтению должно включать не только рецептивную, но и репродуктивную деятельность, его осуществление требует некоторых операций репродуктивного характера.

М.НАБИЕВА,
Зав. кафедрой «Иностранных
языков по Общеэкономическим
направлениям и специальностям»,
З.НАЗАРОВ

Fikrdan fikr tug'iladi...

*Цивилизация тарихини мана бундай ифодалаш мумкин:
«Қанча кўп билсанг шунча қудратлисан».*

Эдмунт Абу

...Дунё ахборот майдониди кечаётган шафқатсиз курашлардан омон чиқиш, миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиш, халқаро миқёсда мамлакат нуфузини мустаҳкам тутиш учун кучли билим, юксак интеллектуал салоҳият зарур. Агар миллат ёшлари қанча кўп билимга эга бўлса, ташқи хатарлардан ҳавотирланмаса ҳам бўлади.

Шаҳодат Муродова

То бизга тааллуқли эмас экан, ҳамма нарса дўзал.

А.Шопенхәуэр

Тугилган чақалоқнинг йиғиси янги муҳит таъсирига илк жавобидир.

Ибодулла Эргашев

Одамга энг ярашиқли либос — одоб либосидир.

Мансурхон Тоиров

Негалигини билмадим, аён ҳақиқатлар доимо аҳмоқона бўлади.

Сомерсет Моэм

Тараққиётга хизмат қилмайдиган ҳар қандай эзулик зарардир.

Ф.Ницше

Гўдак кўзидаги ёш эвазига қўлга киритиладиган ҳар қандай тараққиётдан воз кечиш лозим.

Ф.Достоевский

**«Фалсафа» кафедрасининг катта ўқитувчиси
А.АБДУЛЛАЕВ тўлаган**

Nobel mukofoti sohiblari

Nobel mukofoti?! Uni kim orzu qilmagan, kimdir unga munosib mehnat qilgani-u butun umr kutib yashagan, kimdir uni deb bor budini qurbon qilgan va kulgiga qolgan. Hozirda Nobel mukofoti dunyodagi eng qadrlı va obro'si yuqori mukofot bo'lib, unga munosib bo'lganlar miyasini 2% ga ko'proq ishlatgan oddiy odamlar bo'lgan. Lekin bir guruh tahlilchilar ularning omadi tug'ilgan burji, vaqti va ismiga bog'liq deb hisoblashadi. Kelinglar shuni bir boshdan ko'rib chiqamiz.

Boris Pasternak mukofotni rad etgan. Qoyil!

Oxirgi 11 yil ichida 670 ta Nobel diplomlari va medallari topshirilgan bo'lib, ularni 593 nafar olim qabul qilib olgan (B.L.Pasternak, J.P.Sartre va Le Dyk Txo mukofotni rad etgan.Qoyil!) 4 marotaba Nobel vasiyati buzilgan: 2 marta: M.Skolodovskaya—Kyuri (1903-yilda fizika bo'yicha va 1911-yilda kimyo bo'yicha), L. Poling (kimyo

1947-yilda), Gunnar, Alva Myurdallar (iqtisodiyot bo'yicha 1974, 1982-yillarda); Yan va akasi Nikolas Tinbergenlar (iqtisodiyot va fiziologiya bo'yicha 1969, 1973-yillarda)

Qiziqarlisi har xil kalendarlar bo'yicha burjlarning xulosasidir. Sharq kalendari bo'yicha (1-rasm) omadga ilon burjidagilar ko'proq ega bo'lib, tovuq va maymunlarniki esa teskariroq.

Astrologik kalendar bo'yicha farq kam. Shunda ham sovrindorlar fiziklar ichida oy yilida zahro yilidan ko'ra, kimyogarlars mars yilida veneradan ko'ra,



QAYSI BURJ VAKILLARI

MUKOFOTNI KO'PROQ QO'LGA KIRITGAN?

Burjlar	It 1910±12n	Cho'chqa 1911±12n	Sichqon 1912±12n	Sigir 1913±12n	Arslon 1914±12n	Quyov 1915±12n	Ajdar 1916±12n	Ilon 1917±12n	Ot 1918±12n	Qo'y 1919±12n	Tovuq 1920±12n	Maymun 1921±12n
Umumiy soni	57	42	61	51	48	53	52	58	46	45	37	39
Fiziklar	19	9	13	11	12	12	10	13	16	10	9	9
Kimyogarlars	6	4	13	13	9	9	7	11	8	14	15	9
Biologlar	17	12	17	7	12	16	13	18	8	11	10	10
Yozuvchilar	6	9	9	9	8	7	12	10	7	4	2	5
Tinchlik uchun	10	3	4	10	6	5	5	6	4	6	3	4
Iqtisodchilar	3	5	5	1	1	4	2	0	3	3	1	2

bo'yicha 1954-yil va tinchlik uchun 1962-yilda), Dj. Bardin (1956 va 1972-yillarda), F. Senger (1958 va 1980-yillarda kimyo bo'yicha) Nobel mukofoti sovrindori bo'lganlar.

Mukofot sohiblari orasida sentabr, may va iyunda tug'ilganlar ko'pchilikni tashkil qiladi

Jamoaviy sovrindorlardan — Xalqaro qizil xoch tashkiloti 3 marta (1917,1944 va 1963-yillarda), Birlashgan millatlar tashkilotining Qochoqlar bo'yicha komissiyasi 2 marta (1954 va 1981-yillarda) mukofotlangan.

Yaxshi an'ana bo'lib qolgan Nobel mukofotini topshirishda rekord qo'yan Kyuri oilasi bo'lib, 5 ta diplomni M.Skolodovskaya-Kyurining o'zi, uning turmush o'rtog'i Pyer Kyuri, qizi Iren va kuyovi F.Julio; ota-o'g'il Jozef va George Tompsonlar (fizika bo'yicha 1906,1937- yillarda); William Henri va William Lorens Breggi (fizika bo'yicha 1915-yilda); Karl va Kay Sigbanlar (fizika bo'yicha 1924, 1981-yillarda); Xans va Ulf fon Eyler (kimyo 1929-yilda va fizika bo'yicha 1970-yilda); Nils va Oge Borlar(fizika bo'yicha 1922, 1975-yillarda); er-xotinlar Gerta va Karl Kori (fiziologiya va tibbiyot bo'yicha

biologlar saturn yilida merkuriydan ko'ra, shoirlar venera yilida saturundan ko'ra, tinchlik bo'yicha merkuriy yilida marsdan ko'ra ko'proq. Oxirgi ma'lumot: mars(urush xudosi)ning yozuvchilardan ko'ra kimyogarlarni qo'llab-quvvatlashini hayratli joyi yo'qdir.

Kundalik goroskoplarda, xususan, fiziklar, kimyogarlars, adabiyotchilarda jad'iy burjining o'rni kam, biologlarda esa judayam pastdir. Jad'iyning faqat tinchlik bo'yicha ozgina omadi chopgan. Nobel mukofoti sovrindorlari javzo burji sohiblarida ko'p. Bu burjdagi sovrindorlar orasida biologlar va shoirlar juda ko'p, shuningdek, ozgina miqdorda fiziklar va kimyogarlars bor. Umuman olganda, javzo, mezon va dalvda, saraton, aqrab va hut burjlarida son ko'rsatkichlari

Sayyoralar	Venera	Merkuriy	Oy	Saturn	Zahro	Mars	Quyosh
Umumiy soni	88	83	92	83	70	83	78
Fiziklar	16	17	32	15	14	22	21
Kimyogarlars	13	17	15	15	15	21	14
Biologlar	25	17	21	27	20	19	20
Yozuvchilar	17	9	13	15	7	11	13
Tinchlik uchun	12	18	9	9	9	7	8
Iqtisodchilar	5	5	2	2	5	3	2

Burjlar	Hamal 21.03-20.04	Sayr 21.04-20.05	Javz 21.05-20.06	Saturn 21.06-20.07	Ajdar 21.07-20.08	Quyov 21.08-20.09	Arslon 21.09-20.10	Ilon 21.10-20.11	Ot 21.11-20.12	Qo'y 21.12-20.01	Tovuq 21.01-20.02	Maymun 21.02-20.03
Umumiy soni	51	54	68	49	41	58	54	40	54	30	44	36
Fiziklar	11	14	15	17	8	10	13	8	17	5	13	6
Kimyogarlars	12	11	9	8	9	16	9	7	11	3	9	6
Biologlar	15	7	20	9	8	16	13	13	14	8	12	14
Yozuvchilar	6	10	12	10	3	4	11	5	7	4	3	4
Tinchlik uchun	5	7	8	3	3	9	8	7	4	8	6	4
Iqtisodchilar	2	5	2	2	2	3	0	0	1	2	1	2

Kichik Bregg 25 yoshida mukofotlangan

2 barobar yuqori bo'lib, ularda ko'proq shoirlars yetishib chiqqan.

Agar kalendarlar oylariga nazar solsak, fevral va yanvarda kam, sentabr, may va iyunda tug'ilganlars orasida esa mukofot sohiblari ko'pchilikni tashkil etadi.

Geografik jihatdan sovrindorlar yashash joylari bo'yicha aniq bir ko'rsatkichni ko'rsatish qiyin, chunki ular har doim o'z yashash joylarini o'zgartirib yuradilar. Kelib chiqishi bo'yicha qarasak, Nobel mukofoti sohiblari qirg'ta davlatdan bo'lib, ulardan eng yuqorisi bu AQShda (209 ta)dir. Rossiya va Shveysariya esa 6-7 o'rinni talashgan holda turibdi.

Hozirda yangi Nanotexnologiya va shunga asoslangan har qanday kashfiyot uchun yangi mukofot ta'sis etilishini Nobel oilasining bir vakili Maykl Nobel e'lon qilgani haqida NanoTX saytida o'ziga xos ma'lumotlar bor.

A.XUDOYBERDIYEV, "Boshqaruv" fakulteti talabasi

Мировой рынок продовольствия имеет стратегическую важность для экономического развития в целом, так как с ним связана продовольственная безопасность стран.

В последнее время многие страны обеспокоены непрекращающимся ростом цен на продукты питания.

На торгах в Чикаго бушель¹ пшеницы с поставкой в сентябре подорожал до 7.26 доллара, достигнув рекордной отметки за последние 30 лет. Только с конца 2007 г. пшеница подорожала на 68%. Мировые запасы пшеницы оказались на самом низком уровне с 1979 года.

МИРОВОЙ РЫНОК ПРОДОВОЛЬСТВИЯ – НОВЫЕ ТЕНДЕНЦИИ

По оценкам американских аналитиков, дефицит зерна в мире в сезоне 2007-2008 года составлял примерно 15 миллионов тонн. Индекс цен продовольствия по данным журнала «Economist» в этом году достиг максимума за последние десятилетия. За период 2005-2007 г.г. зерновые подорожали на 75 %.

Столь же неблагоприятно обстоит дело и с рисом. Из-за снижения годовых запасов риса в Индии и Китае, являющиеся основными производителями риса, произошло максимальное увеличение цены на него. Рекорд - в 1046 долларов за 1 тонну риса был установлен на аукционных торгах правительственных закупок на Филиппинах.

Заместитель генерального секретаря ООН Дж. Холмс в апреле 2008 г. заявил об угрозе мировой безопасности в случае продолжения роста цен на продовольствие, и предупредил, что миру в ближайшее время придется столкнуться с продовольственным кризисом.

Экономистами был введен новый термин «агфляция», обозначающий резкий рост цен на аграрную продукцию, который был официально введен в обиход в 2008 известной инвестиционной компанией «Goldman Sachs». В их отчете указано, что высокие темпы агфляции были зарегистрированы уже два года назад. Если в 2006 году индекс цен на продовольствие, рассчитываемый Goldman Sachs, вырос на 26%, то в 2007 году – уже на 41%.

Причины столь стремительного роста цен на продовольственные товары очень разнообразны. Например, здесь играет определенную роль падение доллара; также рост цен на энергоресурсы, дорожающая себестоимость сельскохозяйственной продукции. Здесь уместно напомнить о том, что цены на нефть значительно снизились и влияние этого фак-

тора на стоимость продуктов немного уменьшилось за 2008 год. Но, в числе основных факторов роста цен на продовольствие выступают следующие факторы. Это - рост качества жизни в развивающихся странах и улучшение «потребительской корзины», включающей теперь более калорийные продукты питания. Другой фактор, значительно удорожающее продовольствие - это глобальный рост потребления альтернативного биотоплива, конкурирующего с производством продовольствия на сельскохозяйственных угодьях. Как отмечают анали-

стран. В следствии повышения цен на мировом рынке в Узбекистане также выросли цены на импортируемую муку.

Ситуация непростая, но находится под контролем благодаря тому, что в Республике Узбекистан в 90-е годы в сжатые сроки была достигнута продовольственная независимость. В стране появилась зерноводческая отрасль, не только позволяющая в основном удовлетворять внутренние потребности, но также экспортировать зерно.

Правительством Республики Узбекистан устанавливаются предельные оптово-отпускные и розничные цены на зерновые и продукты мукомольного производства, а также на формовой хлеб массового спроса, что входит в государственную программу социальной защиты населения.

По инициативе президента И.А.Каримова 2009 г. объявлен нашей стране «Годом развития и благоустройства села». Намечена целостная программа создания технических и финансовых условий для роста производства сельскохозяйственных продуктов.

Что касается мировых тенденций, то глобальный рост цен на продовольствие наиболее негативно отражается на бедных странах с высокой долей импорта продуктов питания.

Всемирный банк призывает как можно скорее разработать «всемирный план» выхода из негативной ситуации с продовольствием. Например, предлагается создать чрезвычайный фонд на 500 млн. долларов, предоставлять краткосрочные займы для снабжения нуждающихся стран, вновь сделать сельское хозяйство приоритетной сферой экономического развития и задуматься над последствиями роста потребления биотоплива за счет сельского хозяйства.

Тем более что, последние годы существует серьезный недостаток инвестиций в аграрный сектор экономики в мировом масштабе. Поэтому, исходя из мировой конъюнктуры и прогнозов на перспективу, можно предположить, что сельскохозяйственное производство будет иметь все большую стратегическую важность, а высокоэффективный аграрный сектор будет являться весомым конкурентным преимуществом для экономического развития в целом.

И в этом плане повышение эффективности сельского хозяйства и расширение инвестиций в развитие современного высокоэффективного сельскохозяйственного производства в нашей стране также приобретает особую важность и актуальность.



профессор
С.НАСРИТДИНОВА

Компьютерлар ҲАҚИДА

Биринчи компьютер немис олими Вилгельм Шиккард томонидан 1623 йили ихтиро қилинган. 1645 йилда эса француз математиги Блез Пасскал ўзининг ҳисоблаш машинасини яратди. Бу машинанинг бўйи 30-40 см, эни 15, баландлиги 10 см бўлган. У атиги иккита амални (қўшиш ва айириш) бажарар эди. 1673 йилда немис математиги Слонимский томонидан 4 та амални (қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш) бажарадиган ва илдиз чиқарадиган машина яратилди. Кейинчалик бу машиналар янада такомиллаштириб борилди ва ниҳоят қатор изланишлар натижасида 1946 йили АҚШдаги Пенсильвания университетида америкалик олим Нейман томонидан ахборотларни сақлаш имкониятига эга бўлган электрон лампалар ёрдамида ишловчи биринчи "ENIAC" номли ЕНМ яратилди. Бу ЕНМ 18000 электрон лампадан тузилган бўлиб, оғирлиги 30 тоннани ташкил этган. Кейинчалик рус олими Лебедев раҳбарлигида кўпгина қулайликларга эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси яратилган. ЕНМларнинг ривожланиш тарихи XX асрнинг 50-йилларидан бошланган бўлиб, ҳозирги кунгача бешта авлоди яратилган.

1-авлод — электрон лампалар асосида;

2-авлод — ярим ўтказгичли диот ва триод транзисторлар асосида;

3-авлод — интеграл микросхемалар асосида;

4-авлод — катта интеграл схемалар асосида;

5-авлод — жуда катта интеграл схемалар асосида, ишончли компьютерлар.

Компьютерларнинг ривожланиши жадал суръатларда давом этмоқда. Келажакда бундан ҳам кўпроқ имкониятларга эга бўлган компьютерлар яратилишига ишонамиз.

Шоҳруҳ ҚОДИРОВ,
«Бошқарув» факультети талабаси

МУВАФФАҚИЯТНИНГ НЕЧА ФОИЗИ ОМАД?

Тилга кирган рақамларнинг янада сержилолигини улардаги сир-синаотни қўйидаги мафтунокор нисбий кўрсаткичларда кўришимиз мумкин.

* Мамлакатимизда ҳар 100 қизга 105 та ўғил бола тугилади. 30 ёшга бориб эркак ва аёлларнинг сони (нисбати) тенглашади. 40-49 ёшларда 100 аёлга 85 эркак тўғри келади, 60-69 ёшга бориб эркаклар аёллардан икки барабар камайиб кетади.

* Социологларнинг ҳисобига қараганда жисмоний машқларга бўш вақтнинг 10 фоизини сарфлаш керак. 10 фоизбу ишлайдиган катта одам учун кунига тахминан бир соатдир. Тан олиш керак, истаса буни ҳамма қилиши мумкин.

* Қон инсон оғирлигининг 7 фоизини ташкил этади. Агар киши 70 килограмм оғирликка эга бўлса, унинг организмда 5 литрга яқин қон бўлади.

* Муваффақият — бу 10 фоиз омад ва 90 фоиз тер тўкишдир.

* Ер юзи аҳолисининг сони 5 миллиарддан 6 миллиардга етиши учун салкам 12 йил керак бўлади. Мутахассислар тахминан 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг 8-9 миллиардга етишини башорат қилмоқда. Уларнинг таъбирича, кейинги йилларда демографик ўсишнинг 95 фоизи дунёнинг ривожланаётган мамлакатларига тўғри келмоқда.

* Саноат ва қишлоқ хўжалиги чучук сувларни ишлатиши бўйича биринчи ўринда туради. Жумладан, агар бир киши учун суткасига 300-400 литр сув керак бўлса, 1 тонна ҳисобида шакар ишлаб чиқариш учун 100 минг литр, пўлат — 150 минг, капрон 500 минг литр сувни талаб қилар экан. Шулар қатори бир килограмм емиш берадиган ўсимлик ўстириш учун 2000 литр сув керак бўлар экан.

Профессор Ёрқин АБДУЛЛАЕВнинг
«Қизиқарли статистика» китобидан олинди.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1998-йил 25-декабрда қабул қилинган бўлиб, шу пайтгача унга олти марта ўзгартиришлар киритилган. Мазкур қонуннинг 4-моддасида рекламага шундай таъриф берилган:

Реклама — бевосита ёки билвосита фойда олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахсларга, маҳсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот.

Ўзбекистон Республикасида реклама Ўзбекистон Республикаси давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади.

Рекламада қўйидагилар тақиқланади: жисмоний шахснинг номи ёки тасвирдан унинг розилигисиз фойдаланиш; порнографияни тарқатиш.

Алкоголни ичимликлар ва сигареталар ҳақидаги рекламалар тиббий муас-

сасалар ҳамда спорт ва ўрта мактаблардан беш юз метр узоқликдаги масофада жойлаштирилиши керак

Реклама тузувчи маҳсулотни харид қилувчи нимани хоҳлаётганини ўрганиши ва аниқ билиши лозим. Шундагина у бўлгуси харидорни харид қилиш-

- бўлгуси харидорни маҳсулотни харид қилиш учун ҳаракат қилишга чорлай олиши лозим.

Шуни эсдан чиқармангки, агар реклама ўқилмаса, у ҳеч қачон сотувга туртки бўлмайди, у диққатни тортмаса, унга қарамайди.

Харидорлар орасида бир ибора бор: «сифатли маҳсулот ҳеч қачон реклама қилинмайди». Бир томонлама бу ибора ҳам тўғридир. Харидорни иккилантirmаслик ёки унда шубҳа уйғотмаслик учун реклама эътиборни торта олиши, қизиқиш уйғота олиши билан бирга, авваламбор, ишончли ва ҳаққоний бўлиши лозим.

Шундагина, сиз реклама қилаётган маҳсулот харидоргир бўлади. Бунга мисол қилиб «Coca-cola» фирмасини олишимиз мумкин.

Келинг, маҳсулотни яхши реклама қилишни ўрганишдан олдин унинг ҳуқуқий асосларини ўқиб, ўрганайлик.

Меҳри ВОҲИДОВА,
«Бошқарув» факультети талабаси

**РЕКЛАМА
ва
ХАРИДОР**

га ундай олади.

Харидорни жалб қила олиш учун реклама қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- харидорнинг эътиборини торта олиши;
- бўлгуси харидорга маҳсулотга бўлган қизиқишни уйғота олиши;
- маҳсулотни харид қилиш хоҳишини юзага келтириши;



Ардоқли устоз

Ардоқли устоз, «Бошқарув» факультетининг декани, профессор Фатхулла Шукурович Каримов табаррук 65 ёшга тўлдилар.

Домла камтарин, ширинсўз, ўта андишали, босиқ, сермулоҳаза инсон. У киши билан суҳбатлашар экансиз, беихтиёр маънавий озуқа олиб, руҳан юксалаётганлигини ҳис қиласиз. Шунинг учун бўлса ке-

рак, Фатхулла Шукурович ажойиб педагог: профессор-ўқитувчиларга ва талабаларга доимо очикқўнгиллик билан муомалада бўлади. Домла ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута биладиган, синчков, зийрак, эринмасдан шогирдларига тўғри ва жўяли маслаҳатлар берувчи устоздир.

Фатхулла Шукурович раҳбар сифатида декан муовини, декан, проректор каби лавозимларда узоқ ва шарафли йўлни босиб келмоқдалар.

Домланинг устози, академик Мурод Шарифхўжаев шундай дегандилар: «Амал — бу юк. Аммо меҳнатдан қочмайдиган, янгиликка дадил қўл уришдан чўчимайдиган, кези келганда, ўз фикрида қатъий тура оладиган, «етти ўлчаб бир кес» қабилида

Qutlaymiz

одилона иш тутадиган фидойи раҳбар учун у обрў-иззат келтиради». Ушбу пурмаъно сўзлар Фатхулла Шукуровичнинг фаолиятлари ҳам тўла-тўқис мос келади. Балки шу сабабли бўлса керак, домла ўз вақтида академик Мурод Шарифхўжаевнинг эътиборларига тушган эди.

Домла меҳнатсевар олим, ажойиб оила бошлиғи, 5 нафар фарзанднинг сеvimли отасидир. У кишининг фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаоллик ва фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Сўзимиз сўнида Фатхулла Шукуровични таваллуд айёмлари билан қўтлаган ҳолда, домлага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаб қоламиз.

Лазизжон БАХРАНОВ

Xabarlar

«БОБУР — МИЛЛАТИМИЗ ФАХРИ»

13 февраль куни Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши Темурийлар тарихи давлат музейида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган «Бобур — миллатимиз фахри» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Тадбирда институт маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича ректор муовини Ш.Азимов, «Молия-иқтисод» факультети декани, профессор Н.Ҳайдаров, декан муовини доцент Ш.Аллаёров, «Молия-кредит йўналишлари бўйича чет тиллари» кафедраси муdiri, профессор Д.Абидова, профессор-ўқитувчилар Ш.Агамова, М.Саидкаримова, Ш.Рашидова, М.Ҳамидова, М.Бозорова, Ҳ.Комилова, Ш.Нурбекова ҳамда «Молия-иқтисод» факультети талабалари иштирок этишди. Тадбирни Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н. Ҳабибуллаев кириш сўзи билан очди. Шунингдек, тадбирда Республика Маънавият маркази раҳбари М.Мирзо, ЎзРФА Тил ва адабиёт институти директори Т.Мирзаев, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Н.Абдуганиевлар улуг аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маданиятимизга қўшган ҳиссаси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Бундан ташқари, тадбирда Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган маърузалар тингланди. Маърузачилар ўз нутқларида ҳозирги кунда ёшларимизга ғарбдан кириб келаятган ҳар хил оқимлар таъсир этаётганлиги ва бу оқимлар натижасида талаба-ёшларимиз ўзимизнинг миллий урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизни унутиб бораётганликларини айтиб ўтдилар. Хусусан, «Ёшлар» телеканали мухбири ёшлар орасида сўровнома ўтказганида 14 февраль ҳазрат Бобурнинг таваллуд топган куни эканлигини билишмаган. Бу, албатта, ачинарли ҳолатлигини, бутун Ғарб, Япония ва АҚШ каби мамлакатлар олимлари томонидан унинг ижоди ўрганилаётган бир пайтда, талаба-ёшларимиз ҳам халқимизнинг буюк фарзанди ҳақида чуқур билимга эга бўлишлари лозимлигини, элга, Ватанга, онага, дўстга, ёрга вафо ва муҳаббатни Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан ўрганишимиз кераклигини таъкидладилар. Тадбир давомида «Молия-кредит йўналишлари бўйича чет тиллари» кафедраси катта ўқитувчиси М.Бозорова, ММ-75к гуруҳ талабалари Салоҳиддин Авазходжаев ва Сарвар Дўстмуродовлар Мирзо Бобурнинг ижоди ва фаолияти тўғрисида телекўрсатувлар учун интервьюлар беришди. Шундан сўнг, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган фильм намойиш этилди ва музей заллари бўйлаб экскурсия уюштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Республика миқёсида ўтказилаётган бундай тадбирлар талаба-ёшларимизнинг маънавияти етук шахс бўлиб шаклланишларида катта ҳисса бўлиб қўйилади.

Ш.НУРБЕКОВА, М.БОЗОРОВ, «Молия-кредит йўналишлари бўйича чет тиллари» кафедраси катта ўқитувчилари

14-февраль куни институтимизнинг Ахборот-ресурс марказида ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли номоёндаси, буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад

Бобур — улуг шоҳ ва беназир шоир



Бобур таваллудининг 526 йиллигига бағишлаб «Бобур — улуг шоҳ ва беназир шоир» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда филология фанлари доктори, профессор Н.Хусанов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Тешабоева, Ахборот-нашриёт комплекси бошқарувчиси, техника фанлари номзоди Р.Абдикаримов, институт маънавият бўлими бошлиғи Ў.Норбоев, «MOLIYACHI» газетасининг масъул котиби Л.Бахранов ва бошқалар иштирок этишди. Тадбир давомида «Ватанни улуглаган адиб», «Бобур мероси ва ёшлар тарбияси» ҳамда «Тоғмаҳал дунёнинг етти мўъжизасидан бири» деб номланган қатор маърузалар талаба-ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Тешабоевнинг Бобур газаллари билан куйлаган қўшиқлари ҳамда ёш истедодли хонанда Нодирбек Қодиркуловнинг дилкаш тароналари тадбирга кўрк бағишлади.

У.УСМОНОВ, «Бошқарув» факультети талабаси

Оилавий ҳаёт сабоғи

20-февраль куни Ахборот-ресурс марказининг катта ўқув залида институт Хотин-қизлар Кенгаши бошчилигида «Талаба-қизларни бўлажак оилавий ҳаётга тиббий ва психологик тайёрлаш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиалининг директор муовини Н.Азимова, мазкур институт бўлим бошлиғи Л.Гамирова, илмий ходими М.Исмоилоҳжаева, Тошкент шаҳар диагностика марказининг психологи Т.Сон, 50-оилавий поликлиниканинг бош шифокори С.Каримова, бош шифокор муовини Б.Мирзоҳидова, институт Хотин-қизлар Кенгашининг раиси Р.Азимбоева, институтимиз шифокорлари М.Мансурова ва Н.Расуловалар иштирок этишди. Тадбирда қатнашган «Бошқарув» ва «Кредит-иқтисод» факультетининг талабалари мутахассис-шифокорларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Давра суҳбатининг ҳар томонлама мазмунли ва тартибли ўтишида профессор-ўқитувчилар — У.Мухторова ҳамда Н.Диёровалар фаоллик кўрсатдилар.



М.САЙФИДИНОВ, «Бошқарув» факультети талабаси

Герберт Ньютон КЕССОН

ПУЛДОРЛИК САНЪАТ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

(Пул ва уни асраш ҳақидаги 12 қоида)

V ҚОИДА ЎЗ ФОЙДАНГИЗНИ ОЛИНГ

Кўпинча шундай сўзларни эшитишга тўғри келади: “Эсиз, мен шуни сотиш имкониятини қўлдан бой бердим”. Шу қабилдаги сўзларни сиз ҳам ўз-ўзингизга айтган бўлишингиз эҳтимолдан холи эмас.

Кўпчилик нархлар энг юксак бўлган бир пайтда сотиб олган, сотиб олмоқда ва сотиб олажақ. Улар ҳамма сотиб олаётгани учун ҳам сотиб олишади. Худди шундай паллада сотишни рад қиладиган кишилар ҳам оз эмас.

Айтмоқчи бўлганим — бизнесда асосий нарса — ДАРОМАД, ЖАРАЁН эмас. У қандай бўлишидан қатъи назар.

Агар дўкдор товарни сотишдан кўра биратўла дўкдорнинг ўзини сотишдан кўпроқ фойда кўрадиган бўлса, у дўкдорни сотиши керак. Ёхуд пойабзал ишлаб чиқарувчи пойабзалдан кўра фабрикани сотиб юборишдан манфаатдор бўладиган бўлса, у иккинчи вариантни қўлагани маъқул.

Биз ҳаммамиз ўз мулкимизга ортиқ даражада боғланиб қолганмиз. Биз унга бегона қилиб бўлмайдиган, сотиш мумкин бўлмаган бир нарсага қарагандай қараймиз.

ИНСОН ЎЙЛАБ ИШ ҚИЛИШИ КЕРАК. Ўнта одамдан тўққизтаси ўйлаш ва бойлик ортиришдан оқимга қараб иш тутиш ва пировардида машаққат билан кун кўришни афзал биладилар. Бироқ бу китоб мулоҳаза юриладиганлар учун ёзилган. Пул ишлаб чиқаришнинг ўз технологияси бор. Қуйидаги мен тушунтирмоқчи бўлган нарса ҳам шу. Жуда кўп ҳолларда инсон қандайдир анъанавий бўлмаган йўллар билан ҳам пул қилиши мумкин.

Ҳаммамиз, ёки ҳеч бўлмаганда кўпчилигимиз, айтийлик, 1000 йил ҳаёт кўрсак, бой бўлишимиз мумкин эди. Молиявий нуқтаи назардан қилиниши керак бўлган иш — имкон қадар тезроқ пул топиш. Бизга бойликни қўлга киритишимиз учун жуда ҳам оз вақт берилган: бор-йўғи 20-30 йил, холос. Ҳамма гап шунда. Етарли миқдордаги пулга эга бўлиш учун энг қисқа йўлдан бориш керак. Ҳеч бир имкониятни қўлдан чиқармаслик лозим.

Бир мисол: лондонлик бир тужжор 1000 дона акцияни 18 фунтдан сотиб олди. Орадан ярим йил ўтиб, акцияларнинг нархи 23 фунтга кўтарилди. У акцияларни сотиши мумкин эди. Бироқ истамасди. “Йўқ, — деди у — 28 га кўтарилгунча кутиб тураман. Шунда икки ҳисса кўп фойда оламан”. Бироқ акцияларнинг нархи кўтарилиш ўрнига 20 фунтга тушиб кетди. У имкониятни қўлдан бой берди. Шубҳасиз, улар қачондир 28 га чиқади, бироқ бунинг учун йиллаб кутиш керак. Ўз фойдасини вақтида олганида тўғри қилган бўлар эди.

Агар мен 20 фунтга бир сигир сотиб олсам ва йўлда бир танишим учраб қолиб, уни 30 фунтга сотишни таклиф

қилса, мен ҳеч иккиланмасдан “Сигир сеники бўлсин” дейман. Кейин эса шундай омадли кундан мамнун ва яхши кайфиятда уйимга йўл оламан.

Кўпчилик молига биров юксак нархи таклиф қилган пайт шубҳага тушиб қолади: “Бу шунча пулга баҳоланаётган эканми, демак, менинг ўзимга ҳам асқотиб қолиши мумкин”. Бундай ўйлаш нотўғри. Фойдани тезроқ олиш фурсатини бой бермаслик учун ВАҚТни инобатга олиш керак. Бир йилда 200 фунт фойда кўргандан кўра, бир ойда 100 фунт фойда кўрган маъқул.

Ҳақиқатни англаб етганингиз заҳоти сиз молиячи бўлишга томон илк одим ташлаган бўласиз. Сиз тадбиркорлик ёрдамида пул топиш санъатини ўрганасиз; нархлар ўзгариши оқибатида яратилган имкониятлардан фикрлаш, режалаш орқали фойдаланасиз.

Социалистларга монанд калтафаҳм кишилар бунинг эксплуатация деб ҳисоблашади. Ваҳоланки, бунинг эксплуатация билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу — ижодий, яратувчи бир қувватдир. Бу — лидерлик. Бу — пул топишнинг инсоният томонидан қабул қилинган энг тўғри, қонуний ва фойдали усулидир.

Инсон пул топиш учун шижоат билан ҳаракат қилмоғи даркор. У ҳар хил вазиятларга мослаша олиши керак. Ўзини бутунча ягона мақсадга, турмуш тарзига бағишлаши керак.

У ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ — ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ — ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШИ керак. Ҳамма вақт кўз ўнгида турган фойдани қўлдан чиқариб юбормасликка тиришмоғи лозим.

Калтафаҳм балиқчи ҳақидаги машҳур ҳикоятни эсланг: балиқни тутиб олгач, унга “Яхшиси, сени келаси йил тута қоламан” дейди-ю, сувга қўйиб юборади. Биз кўпинча катта нарсани қўлга киритаман, деб борини ҳам қўлдан чиқариб юборамиз.

Кўпчилик ўз мулкни 30 йил давомида сақлаб келадиган, сўнггида уни аллақачон сотиши мумкин бўлган пулга сотади.

Кечроқ келиши мумкин бўлган катта фойдани кутгандан кўра, унча катта бўлмаган фойдани вақтида олган маъқул. Чунки фаолият ишлаш ёши қирқ йилдан ошмайдиган инсондек ўткинчи ва ожиз мавжудот учун “кейин” сўзи ноўриндир.

ҲАЁТ ҚИСКА. Келажак ҳамиша қоронғу. Шунинг учун ҳам ҲОЗИРГИ ЗАМОН сизга бераётган биронта имкониятни қўлдан чиқазманг. Фойда олишда уздабурон бўлинг. Умумий пулингизга қўшилган ҳар бир тийин сизни БОЙ қилади. ЎЗ ФОЙДАНГИЗНИ ОЛИНГ.

(Давоми келгуси сонда)

Русчадан ўзбек тилига
Паҳлавон ТУРҒУНОВ таржимаси

Ilhom va ijod

Хуррид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоириШар қандай
ёзилади?

Душман босган она юрт учун
Ясалгандек қиличу найза,
Кўкдан тушган ойдин нур учун
Кўйилгандек уйга дераза;
Экилгандек гул ёки дарахт,
Қорилгандек нон учун хамир,
Қор нафасин тўйганча қарахт
Гиёҳ ерга отгандек томир;
Сув тутгандек ташна йўлчига,
Оқлагандек баҳорда уйни,
Асраб-авраб ўстирган каби
Юрагинда муқаллас уйни;
Ўстанидек далада бугдой,
Ин қургандек шифтда қалдирғоч,
Нур сочгандек одамларга ой,
Дўст очгандек дўстига қулоқ;
Боглагандек жангчи ярасин,
Қичқиргандек тоғда ҳайратдан,
Йиғлагандек она кўзини
Узолмасдан хира суратдан;
Бесаранжом юрганча дилсўз,
Қафас аро бўкиргандек шер —
Уйғонади дил тубида сўз
Ва қоғозга тўкилади шёър.

Мана шундай ёзилади шёър!

Шоҳна дурри

Қора кўзларимда сизилади ёш,
Қалбим тигланади тополмай сирдош.
Ёлғизлик домига тортар тобора,
Енгилга йўқ сира на чидам-бардош.

Жимлик. Сукунатда тебранар олам,
Табиат ҳам бунга таслимдек ҳатто.
Фақат мен кезарман хилватда ёлғиз,
Оломон ичида ёлғизман, танҳо.

Шёърларим-дардимга юпанч малҳамдир,
Дилимдаги нолам шёъримда жамдир.
Гар бу юпанчим тарк этса мени,
Дил вайрон, руҳ сарсон, бу ҳаёт ғамдир.

Гўзал АРЗИМБЕТОВА,
Тошкент молия институти
қошидаги Молия академик
лицейи ўқувчиси

«Daftar hoshiyasidagi bitiklar»

Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТАРИХ “ХАТОСИ”

Тўққизинчи аср. Муҳаммад ал-Хоразмий
алгебра фанига асос солди.

Ўнинчи аср. Абу Наср Фаробий Аристотел-
нинг “Метафизика” асарига энг мукаммал
шарҳ ёзиб, “иккинчи устоз” унвонини олди.

Ўн биринчи аср. Абу Райҳон Беруний Ер билан
Ой ўртасидаги масофани ўлчиди. Ибн Сино меди-
цина Қомуси — “Тиб қонунилари”ни яратди.

Ўн тўртинчи аср. Соҳибқирон Амир Темур
Евроосиёнинг ярмини тасарруфга олди. Аҳли

Қалдирғочим

Қалдирғочим, қора қошим
баҳорларни келтиргайсан,
Гул умримни, гул фаслининг
наҳорларин келтиргайсан.
Муҳаббатни, садоқатни сенда
кўрдим, сенга йўйдим,
Қалдирғочим қачон бирдам йўлагимда ўлтиргайсан.

Эзгуликка, гўзалликка ундагучи гўзал қушсан,
Ишқ вафони ўйлагучи шакар қушим, асал қушсан.
Ростин айтсам, қалдирғочим дилга хушсан,
Ошиғини қачонгача ўлдирмайин ўлдиргайсан

Баланд-баланд парвоз этсанг термуламан юрак ўйнаб,
Шамоллардан рашк этаман қанотларинг ўтса ўйнаб.
Қалдирғочим севишимни ишқ аҳлига ўтсанг суйлаб,
Юрагимни минг бир ширин туйғуларга
тўлдиргайсан.

Қалдирғочим қачон келиб
йўлагимга ўлтиргайсан

Абдуқаҳҳор ҲАКИМ

Онам
йиғламасин

Онадан дунёда меҳр устунлиги,
Онам ҳаёт бўлса бағрим бутунлиги.
Унитилар бу дунёнинг беш кунлиги,
Пойига бош урай, онам йиғламасин!

Олам яралибди ҳазонлар боғидур,
Ҳаёт дарахт бўлса, одам япроғидур.
Она каби азиз Ватан тупроғидир,
Пойига бош урай, онам йиғламасин!

Томиримда қони оқар акажонимни,
Қалбимга қалби туташган укажонимни.
Жигарим синглим — онам меҳрли доим,
Пойига бош урай, онам йиғламасин!

Онажоним меҳридан айирма Худо,
Айириб не наф кўрди, Дунё бевафо?
Отам, Онам — устуним. Воситий, танҳо —
Пойига бош урай, Онам йиғламасин!

Абдусод НАЗИРОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

илм бошини силаб, ўлмас обидалар яратди.
Ўн бешинчи аср. Улугбек 1019 юлдузнинг
ҳаракат жадвалини тузди. Алишер Навоий
ўлмас “Хамса”сини ёзди. Ўн олтинчи аср. “Бо-
бурнома” оламга тарқалди.

Ўн еттинчи аср. Шоҳ Жаҳон дунёдаги етти
мўъжизанинг бири “Тоҷмаҳал”ни бунёд этди.

Йиғирманчи аср. Ўзбек совет олимлари мис-
ли кўрилмаган “ихтиро” қилдилар: тарих «ха-
то»сини тузатиб, ўтмишда биз ёппасига “са-
водсиз” бўлганимизни исботлаб бердилар...



МУАССИС:

Тошкент
молия институтиБош муҳаррир:
Нишпонбой ҲУСАНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алишер ВАҲОБОВ,
Шуҳрат АЗИМОВ,
Ёрқин АБДУЛЛАЕВ,
Шоқобил
ШОЁҚУБОВ,
Илос ОЧИЛОВ,
Рустамхон
АБДИКАРИМОВ,
Лазизжон
БАХРАНОВ
(масъул котиб)

Фотомухбир:
Ҳасан ҚУДРАТОВ
Саҳифаловчи:
Баҳром БОБОЖОНОВ
Матн терувчи:
Саида УГЛАНОВА
<http://www.tfi.uz>

<http://www.tfi.uz/Issues/ GMoliyachi>

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи
назарида фарқланиши
мумкин. Мақолалардаги
маълумотлар учун
муаллифлар
жавобгардир

Тошкент шаҳар матбуот
ва ахборот бошқармаси
томонидан 2007 йил
6 январда,
02-0026 сонли
гувоҳнома билан
рўйхатга олинган.

Адади 900 нусха.

Газета Тошкент молия
институти
босмахонасида
ризография усулида чоп
этилди

Манзилимиз:
100084

Тошкент шаҳар Юнусобод
тумани, Кичик ҳалқа йўли,
7-уй.

Тел: 234-66-41
e-mail: moliyachi@tfi.uz

ISSN 2010 - 9628